ҲУРРИЯТ

МУСТАҚИЛ ГАЗЕТА

17 - 23 май 2000 йил

20 (173) - сон

Чоршанба кунлари чиқади

1996 йил декабрдан чоп этила бошлаган

ДАВРНИНГ НАФАСИН АНГЛАТАР СЎЗЛАР

"Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимида Президент нутқида тилга олинган сўзлар моҳиятига назар

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

Тошкентдаги Бўзсув соҳилида фавқулодда бир муҳташам майдон барпо этилди! Бу муҳташамликни ҳис этиш, унинг салобати ва мўъжизасини идрок этиш учун фақат ва фақат ўша масканга бориш, хиёбонни пойи-пиёда кезиб чиқиш ва сукут сақлаб олис-яқин хотираларга берилмоқ даркор.

Майнинг 12 кунги жума тонгида мамлакатимиз тарихида яна бир тарихий воқеа солнома саҳифаларидан жой олди. "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуининг очилиши ғоятда бир файзли маросим тарзида ўтди. Маросимда сўзга чиққан Президент Ислом Каримов нутқи барча матбуот саҳифаларида босилди. Мўъжазгина нутқда қўлланган айрим сўзлар замиридаги маъно-моҳият юракларни изтиробга солади ва яна айримлари қалбга адоқсиз шукуҳ бахш этади.

Сўзнинг салмоғи, мазмуни назарда тутилмоқда.

Сўзлар даврнинг қиёфасини, даврнинг нафасини акс эттириши назарда тутилмоқда.

"Мана шу гўзал майдонда тўпланиб турган" дея бошладилар нутқни Юртбошимиз. **Гўзал** сўзига эътибор беринг, маросим иштирокчисининг назарида мана шу гўзал майдон бамисоли икки тарихий даврни қиёслаш майдонига айланди. Даврлар, икки давр ижтимоий ҳаёти қиёсланадиган, икки хил жамият муҳити, икки мафкура натижалари таққосланадиган, кўз ўнгимиздаги жонли манзара таъсирида холис хулоса чиқариладиган майдон вужудга келтирилди!

У даврни "тавсифловчи" сўзларга қаранг: мудҳиш из қолдирган қатағон йиллари... кўримсиз жарлик – Алвасти кўприк деб совуқ ном олган... инсон қалбига қўрқув соладиган қаровсиз жой... бу қаровсиз жойда халқимизнинг асл фарзандлари отилган, бекафан, бежаноза, номнишонсиз кўмиб ташланган...

Нақадар совуқ, нақадар манфур сўзлар, афсуски, 1937-1953 йиллар содир этилган бедодликни тасаввур этиш учун булардан-да тубанроқ маъноларни англатувчи сўзларни топиш мушкул. Фожианинг бутун разолатини идрок этиш учун сўзлар ожизлик қилса, марҳамат, майдонга келинг, майдон сизнинг оғирингизни енгиллаштиради, майдон осмон билан ерча фарқланувчи икки давр моҳиятини чуқур идрок этиш учун қиёс имконини беради. Қатағонга учраган 100 минг ватандошимиз, уларнинг отиб ташланган 13 минг нафари руҳини ёд этиш ва шод этиш учун эслаш учун ҳам мана шу майдон керак эди! Биз чирқираб(!) ётган руҳлар олдидаги қарзимизни узиш учун ҳам бу кўркам, муҳташам ва файзли...

Сўзлар даврнинг нафасини акс эттираётганига амин бўляпсизми?

Истиқлол ато этган давр таърифлари учун қандай сўзлар жонимизга оро кираётганига эътибор бераяпсизми? **Гўзал, эзгу, инсоний бурч, тарихий адолат, ўзлигимизни англаш, табаррук зиёратгоҳ, олижаноб мақсад, дуои фотиҳаларимиз, қутлуғ кунлар, беғараз меҳнат, эътибор ва таҳсин, меҳр-оқибат, виждони уйғоқ халқ!..**

Сўзлар давримизнинг, соғлом мафкурамизнинг, одамларимизнинг таъриф-тавсифига айланмоқда.

Хайру савобли амалларимизга, бундай амалларимизни ифодаловчи ардоқли сўзларимизга кўз тегмасин...

МУНОСАБАТ

ШАҲИДТЕПА ҚАЕРДА?

1989 йилда буюк адибимиз Абдулла Қодирий таваллудининг 95 йиллиги ўтказилди. Навоий театрининг зали лиқ тўла одам. Машъум қатағонлар сабабчиси бўлган ва ҳамон ҳукмронликни бермай келаётган тузум марҳум адиб олдидаги ўз айбини бироз "ювмоқчи" бўлди шекилли, тантана жуда авжида. Кечада адибнинг ўша пайтда ҳаёт бўлган яккаю ягона ўғли – Маъсуд ака сўз олди. "Мен отам отиб ўлдирилган жойни узоқ излаб, охири топдим, - деди Маъсуд ака. – У Бўзсув ариғининг нариги томонидаги бир тепалик экан. Ўттизинчи йилларда бу ерда кечалари кимларнидир олиб келиб отишларини кексалар билишар экан. Ҳаттоки, уйи шу тепаликка яқинроқ бўлганлар "оҳ-воҳ" овозларини ҳам эшитишаркан. Эрталабга бориб қарашса – наридан-бери кўмиб кетилган дўнгликлардан отилган одамнинг қўли ё оёғи чиқиб қолган бўларкан. Устларига тупроқ тортиб, марҳумларнинг руҳларига бир-икки калима ояти Қуръон ўқиб, дуойи фотиҳа ҳам қилиб қўйишаркан..."

Маъсуд аканинг бу гапларидан залда чуқур сукунат чўкди. Кейин саҳнада чилдирма "гижбанг"лаб, раққосалар хиром қила бошлади. Кечанинг "бадиий қисми" бошланган эди. Шу пайт мен Маъсуд аканинг ташқарига чиқиб кетаётганини кўриб, беихтиёр унинг ортидан эргашдим ва жадаллаб етдиму ундан ўша машъум тепалик қаерда эканлигини сўрадим. Маъсуд ака бу тепалик Юнусобод томонда Бўзсув ариғининг нариги қирғоғида эканлигини айтди.

МОВИЙ ТУЙҒУЛАР МАЪВОСИ

Эртасига Маъсуд ака билан биргаликда ўша жойни кўргани бордик. Бу – Бўзсув ариғининг нариги қирғоғида, илгариги Чимкент катта йўлининг шундоққина четида экан. Аммо бугунги кунда тепаликдан ному нишон ҳам йўқ, унинг ўрнида аллақандай омборхоналар, ошхоналар... Шу ерда бир четга ўтириб шаҳид кетганларнинг руҳларига фотиҳа ўқидик. Маъсуд аканинг айтганлари мен учун бутунлай янгилик эди. Чунки биз ёшлигу ўсмирлик йилларимизда Абдулла Қодирий қамалганидан кейин узоқ Сибирь ўрмонларида ўлган, деб эшитардик. Адибнинг набираси Шеркон бир сафар бобосининг Тошкент шаҳрида қатл этилганлигини айтганда, рости гап, унча ишонқирамаган эдим. Кейинчалик, Қодирий ва 37-йилларда қатл этилган бошқа бегуноҳ адибларимизнинг қисматларини синчковлик билан текширган ёзувчи Набижон Боқийнинг "Қатлнома" асарида бу ҳодиса яна бир бор тасдиқланди. Кейинроқ адабиётшунос олим Собир Мирвалиев ҳам ўша тепаликнинг нариги томонидан бир гуруҳ одам устихонлари чиққанлиги ва улар мўмин-мусулмон кишилар томонидан бошқа қабристонларга дафн этилганларини ёзиб чиқди. Шу тахлит 37-йилларда қатағон қилинган ўзбек зиёлиларининг аксарияти қатл этилган жой маълум бўлди. Менинг мақолам ҳам худди шу масалани аниқлаш мақсадида ёзилган эди. Унда жумладан шундай дейилган эди:

"Афсуски, ўлганларни қайта тирилтириб, отилиб, кейин хумдонларда ғишт бўлиб кетганларни ҳеч бўлмаса жасад шаклига келтириб бўлмайди. Қизил мафкуранинг бу қонли иши келажак авлоднинг тавқи-лаънатига лойиқ бир воқеа бўлиб тарихда қолади. Лекин бегуноҳ шаҳид кетганларнинг хотирасини сақлаш, ҳурматларини жойига қўйиш биз тирикларнинг қарзимиздир. Бу жойда 37-йил шаҳидларига ёдгорлик қўйилиши шарт! Ҳа, Шаҳидтепа шу ер бўлиши керак!"

Яратганга минг шукрлар бўлсинки, ҳақиқат юзага чиқди, миллатпарвар Президентимизнинг фармонларию бевосита саъй-ҳаракатлари билан Хотира ва қадрлаш кунининг белгиланиши ҳамда бегуноҳ қатағон қилинганларнинг хотирасини абадийлаштириш учун улар отилган жой яқинида – Бўзсув ариғи қирғоғида улкан зиёратгоҳнинг барпо этилиши айни муддао бўлди!

ФАРИШТА КЎПРИК

Бўзсув ортидаги қатлгоҳда жуда кўп ўзбек маърифатпарварлари, жамоат арбоблари, турли касб эгалари бегуноҳдан-бегуноҳ отиб ташланганлиги энди бизга маълум, Мен ўша фожеа кунларини этларим жимирлаган ҳолда кўз олдимга келтираман: Кечаю кундуз тинимсиз давом этган "сўроқ" қийноқларидан сўнг улар номигагина "суд" қилинган бўладилар, аллақандай "учлик" уларга ўзининг даҳшатли ҳукмини ўқийди. Мана, ярим кечаси (жаллодлар ўзларининг қонли ишларини тун ярмида эл кўзидан яшириб амалга оширганликлари аниқ) темир эшиклар шарақлаб очилади: "Фалончиев, тур, чиқ буёққа!" деган совуқ буйруқ, "Қаёққа, нимага?" деган саволга ўрин йўқ. Мана, қамоқхона ҳовлисида қора қузғундек усти берк юк машинаси, унга чиқмасанг мажбурлаб, қўндоқ билан уриб чиқаришади, ёнингда давангирдек қуролли соқчилар. Машина ўрнидан қўзғолади, шаҳар ташқарисига қараб йўл олади. Бечора маҳбуслар қаёққа қараб кетишаётганларини билишганмикин? Улар машинанинг қанча юрганига қараб қаергача келганликларини тахминлаб кўрганмикинлар? Мана, машина бироз секинлайди, демак улар қандайдир кўприкдан ўтишаяпти, пастдан сувнинг совуқ эпкини сезилади, демак улар Бўзсув устидан ўтишяпти, улар ўтган кўприк эса – Алвасти кўприк. ...Машиналар тўхтайди, "Туш, машинадан!"- деган совуқ буйруқ, кейин тепалик ёнбағридан бироз кўтарилиш, кейин эса... жаллод ўқи!

Ўша машъум Алвасти кўприк ўз ёнидаги тепалик сингари бугун йўқ, фақат унинг ваҳимали номию ўрни қолган. Шаҳидлар хотираси учун қурилган иншоотлар мажмуасида эса Бўзсув устидан мўъжазгина янги кўприк ҳам барпо этилган. Мен бу янги кўприкни Фаришта кўприги деб номлагим келди, чунки қадимги Алвасти кўприк уларни қатлгоҳга, жаҳаннамдан баттарроқ ўлим азобига олиб ўтган бўлса, бу кўприк уларнинг руҳларини хотираларимизга, дилларимизга, тилларимизга қайтариб олиб ўтади. Алвасти кўприк уларни ўлдирган бўлса, бу кўприк шаҳид кетганларни тирилтиради, уларнинг руҳи покларини зиёрат қилиш учун келаётган ва орти кўринмайдиган сафларга олиб келиб қўшади. Ҳатто Бўзсув ҳам ўзининг ўша хотираларидан ҳижолат бўлгандай ва қурбонларнинг оёқларига бош уриб улардан кечирим сўрагандай янги ўзанда оҳиста буралиб-буралиб оқиб ўтмоқда. Зиёратгоҳнинг маркази бўлган баланд шийпон гумбази остида каптарлар ғу-ғулайди, майин шаббода қурбонлар хотираси учун экилган нав ниҳолларнинг япроқларини шивирлатади, буларнинг ҳаммаси бу маъвода абадийлик уйқусида ётган шаҳидларга айтилаётган алладай...

ТУЙҒУЛАР ТУҒЁН УРГАНДА

Шаҳид кетган маърифатпарварлар хотираси учун тикланган бу маъвоға қадам босган ҳар бир инсон, ҳар бир зиёратчини бемисл, тубсиз туйғулар уммони чулғаб олиши табиий. Аввало бегуноҳ қатл этилган инсонларга ачиниш, дард-алам ҳисси. Улар бундай бешафқат зулмга қандай чидаш беришди экан? Маъсуд ака юқорида келтириб ўтганимиз кечада гапирган гапида: "Менинг отам отилиш олдидан нима деган экан, шуни билмоқчиман", - деган эди. Ҳа, буюк адиб охирги дақиқаларда нималарни ўйлаган экан, ўз ватани, халқи, ижоди, оиласи билан нима деб хайрлашган экан? Сўнгги дамларда шоир Чўлпоннинг хаёлига, Фитрат домланинг фикрига, бошқаларнинг дилларию тилларига нималар келган экан? Афсуски, биз буларни билмаймиз.

Ҳа, йиғлайсан киши, йиғламай иложинг йўқ.

Бу ерга зиёрат учун келганларнинг дилларини тўлдириб турувчи яна бир туйғу, бу — фахрланиш туйғусидир. Ҳа, бу қаҳрамон шаҳидлар бизларнинг аждодларимиз, боболаримиз, оталаримиз, акаларимиз, яқинларимиз, ҳаммиллатларимиз, ҳаммаслакларимиз. Уларнинг аксарияти дунёдаги энг олий истак – эрк учун, озодлик учун курашдилар, мамлакатимиз мустақиллиги, тараққиёти учун жон куйдирдилар, шу йўлда фикрладилар, ёздилар, гапирдилар, ҳаракат қилдилар.

Бу зиёратгоҳга келган инсон яна бир улуғ ҳис-туйғу – шукроналик ҳисси билан чулғанади. Минг шукрки, биз шаҳид кетган аждодларимиз орзу қилган замонларни кўрдик, улар ета олмаган кунларга етдик - ўз эркимизга, ўз мустақиллигимизга эга бўлдик, озод ва мустақил Ватанда яшаяпмиз, у ни янада тараққий эттириш, яшнатиш, мустаҳкамлаш йўлида тер тўкаяпмиз. Яна шунга шукрлар қиламизки, бизга билимдон, ишчан, узоқни кўра оладиган, миллатпарвар юртбоши насиб этди. Бу зиёратгоҳда яна бир туйғу дилимиздан жой олмоғи даркор, бу – огоҳлик туйғуси, ҳушёрлик руҳи. Энди бундай қора кунлар асло қайтиб келмаслиги, халқимиз бошида аллақандай ёвуз қора қузғунлар чарх урмаслиги, яна хатоларга, "яшасин!", "йўқолсин!" деган машъум шиорларга асло ўрин бермаслик, бирорта ҳам бегуноҳнинг бурни қонамаслиги, эзгулик, адолат, ҳурлик, мустақилликнинг бошимиздан асло аримаслиги учун огоҳ бўлайлик, ҳушёр турайлик. Шаҳидлар хотираси бизни шунга чорламоқда.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ,
ёзувчи

ТАБИАТ

ЛАЙЛАК КЕЛДИ...

"Наманганда лайлакларни отишяптими?" Берилган шу саволга: "Дориликка отишаётган бўлса керак..." деб жавоб бердиму, ўзим хижолат тортдим. Ростдан ҳам лайлакларни отишаётган бўлса-я?! Лайлакларни дориликка отишаётганмиш, деган узуқ-юлуқ хабарлар қулоққа чалинган эди. Бу гап Тошкентгача етиб келибдими, демак, ҳақиқатга ўхшайди.

Баҳорнинг очиқ осмони остида, ялангоёқ қувлашмачоқ ўйнаётганимизда, қишлоғимиз тепасида, бир жуфт лайлак пайдо бўлар, қанотларини бор бўйича ёйиб, доира чизиғида гир айланишарди. Улар узоқ, жуда узоқ парвоз этиб, кейин қишлоғимиз қабристонидаги симёғочга қўнарди... Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамғармасининг нашри "Маҳалла" газетасининг 8 март сонида Нўъмонжон Исомиддиновнинг "Сиз севган лайлакларни қурбон қилишмоқда, Саид Аҳмад домла!" деган мақоласи пайдо бўлиб қолди.

— Газетада эълон қилинган мақола, ундан кейинги телевидение орқали намойиш қилинган кўрсатувдан сўнг, - дейди Наманган вилоят табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Мадаминжон Ҳошимхўжаев,-мақола муаллифи билан суҳбатлашдик. Афсуски, Нўъмонжоннинг ўзида лайлак отганлар ҳақида аниқ маълумот бўлмай, ўзи танимайдиган кишилардан эшитган-нетганларини ёзиб юборган экан.

Бугун лайлаклар сони 4200 тага етди. Битта лайлак отган киши 175 минг сўм атрофида жарима тўлайди. Қўмитамиз аъзолари фикрича, ҳали лайлак отган киши аниқланмаган.

Демак, вилоят табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳужжатларида лайлак овлайдиган кишилар қайд қилинмаган. Аммо бу дегани "ҳеч ким, ҳеч қаерда лайлак отган эмас" деган фикрни тасдиқламайди.

Маъмур МУСУЛМОНОВ
Наманган

ХАБАР

КИНОЧИЛАР ХОТИРАСИ

Яқинда Киночилар уйида марҳум кино санъаткорлари, хусусан, қатағон йилларининг қурбони бўлган кино ижодкорлари хотирасига бағишланган кеча бўлиб ўтди. "Ўзбеккино" давлат акционерлик компанияси, Киноарбоблар бирлашмаси ва "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси ҳомийлигида бўлиб ўтган ушбу кечада таниқли санъаткорлар, киношунос ва адабиётшунос олимлар иштирок этдилар.

Анжуманни "Ўзбеккино" ДАК раиси Темурмалик Юнусов шаҳид кетган зиёлиларимиз хотираси ва улар ҳақида яратилган фильмлар хусусидаги сўзи билан очди. Сўнгра таниқли адабиётшунос, "Шаҳидлар хотираси" жамғармаси раиси Наим Каримов, санъаткорлардан Яйра Абдуллаева, Ҳусан Шарипов, кинорежиссёр Тамара Камолова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Қаюм Абдураҳмоновлар сўзга чиқишди. Кечада Ҳамза Умаров, Сойиб Хўжаев, Ҳасан Йўлдош, Шукур Бурҳонов, Воҳид Қодиров ва кўп йиллар ёдга олинмаган киноактриса Ноила Отомуллаева номлари тилга олинди.

Қатағон қурбони бўлган ўзбек киноси асосчиси, киномотография қалдирғочи Худойберган Девонов, Сулаймон Хўжаев ва ўша сиёсат таъқибидан четда қолмаган Наби Ғаниевлар хотирасига бағишлаб яратилган ҳужжатли ва бадиий фильмлардан лавҳалар намойиш этилди.

Анжуманда, айниқса, марҳум Наби Ғаниевнинг "Тоҳир ва Зуҳра" фильмидаги Тоҳирнинг — Ғулом Тожиаълоевнинг иштирок этиши йиғилганларга манзур бўлди.

Кеча сўнгида кино соҳасидаги изланувчанлик маҳорати ва анжуманни уюштиришда кўрсатган ташаббуси учун таниқли киношунос, профессор Ҳамидулла Акбаровга тўпланганлар томонидан чексиз миннатдорчилик изҳор этилди.

Дилафрўз ЗАЙНИЕВА

ТАДБИР

ФОЙДАЛИ АНЖУМАН

Рост гап, жойларда бирор-бир муаммо, ҳал этилиши лозим бўлган масала кўндаланг бўлиб қолса, баъзан бош қотирадиган одам топилмай қолади, ҳатто айрим маҳаллий мутасаддилар ҳам марказга қарайди: маслаҳатлашайлик-чи, бир гап бўлар?! Ҳолбуки, юзага келган муаммо ечилиши пойтахт "фатво"сини талаб қилмайди, озроқ ўйланса, борингки, жон о-озгина қийнтилса бас, марказга кўз тикиб соврилган вақт ёнга қолади...

Эҳтимол, айни дамда бу каби истеҳзоли гаплар шарт эмасдир, боисики, ҳеч ким "бир думалаб демократ, онги ташаббусу тафаккурга тўла шахс бўлиб қолмайди. Шу нуқтаи назардан бўлса керак, куни кеча парламент раҳбарияти ташаббуси билан Республика Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг мажлислар залида "Ижтимоий ҳаётнинг барча томонларини демократлаштириш жараёнини чуқурлаштиришда ҳокимият вакиллик органларининг ролини ошириш" мавзуида семинар-кенгаш бўлди.

Семинар-кенгаш ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э.Халилов фуқаролик жамияти, унинг ижтимоий ҳаётда касб этадиган аҳамияти, уни шакллантириш ва бу жараёнда ҳокимият вакиллик органлари нечоғли ўрин тутиши хусусида атрофлича тўхталди. Бу борадаги вазифаларни амалга оширишда халқ сайлаган депутатлар зиммасидаги масъулиятга алоҳида урғу берилди. Масъулиятки, унинг залвори фақат парламентда фаолият кўрсатаётган депутатларнинггина эмас, унинг салмоқлигина қисми маҳаллий кенгашларга сайланган халқ вакилларининг ҳам гарданидадир.

Шу боис ҳам семинар-кенгашда алоҳида таъкидландики, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ошкораликни кенгайтириш ва бунда оммавий ахборот воситаларининг ўрни, кўппартиялилик шароитида маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолияти, бу шароитда нодавлат ташкилотларининг ўрни, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари томонидан қабул қилинадиган қарорлардаги қонунийлик, фуқаролар мурожаати, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ва бошқа кўплаб вазифаларнинг амалга ошишида ҳокимият вакиллик органларининг фаолиятини тубдан қараб чиқиш тақозо этилаётир. Айни шу каби масалалар фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этишига алоҳида эътибор қаратмоқ шартлиги қайд этилди.

Баҳс-мунозара, фикр алмашинуви билан ниҳоясига етган семинар-машғулот иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

МУХБИРИМИЗ

ЛУҚМА

СИЁБДАГИ ДИЛСИЁҲЛИК

Ҳар сафар Самарқанд шаҳрига борганимда у ердаги ижобий ўзгаришларни кўриб ич-ичимдан қувонаман. Айниқса ҳозирги пайтда шаҳарга кириб бориш йўлида жуда катта ва чиройли қурилиш олиб бориляпти. Бу яхши-ку-я, аммо...

Сиёб бозори қаршисида қад кўтарган Соҳибқироннинг умр йўлдоши, яқин маслаҳатдоши бўлган Саройимулкхоним-Бибихоним мақбараси атрофидаги манзарани кўриб ниҳоятда таъсирланиб кетдим. Мақбарадан беш-ўн метр нарида уюлиб ётган ахлат тўдаларини кўриб юрагим ачишиб кетди.

Албатта, бундай аянчли манзарага, ўша ерга яқин маҳалла аҳлининг "ҳиссаси" ҳам йўқ эмас.

Шаҳарнинг марказида жойлашган ушбу тарихий обида атрофининг шу даражада ифлосланганлигидан Бибихоним руҳи безовта бўлмаяптими? Наҳотки жами 8-10 сотих жойни тозалаб, уни озода сақлашга Сиёб тумани ва раҳбариятининг кучи етмаса?..

К.СУЛТОНОВА,
Республика ИИВ ходими

ЮЗИ ҚАТТИҚНИНГ НОНИ ЮМШОҚ

ЙЎҒ-Э!

ОЛ-А!

ТАНБЕҲ

Илҳомжон Фармоновнинг концерти айни авжига чиққанида, орқа ўриндиқдаги она-боланинг қуйидаги суҳбати қулоғимга чалинди:

— Ойи, — дерди қиз пиқиллаб йиғлаганча, — Илҳомжон уйланибди-ку.

— Кимга?

— Анов, Нилуга-да!

— Мен нима қилай, ҳаммасига ўзинг сабабчисан. Неча марта айтгандим, ҳаракатингни қила қол деб, энди пешанангдан кўр...

Қиз йиғида давом этди.

Кейин билдикки, шу куни танбеҳ эшитган қизлар озмунча эмас экан...

ТИНГЛОВЧИ

МАКТУБ

"УМИДИМ СИЗЛАРДАН"

Ассалому алайкум, "Ҳуррият" рўзномаси таҳририяти ходимлари!

Мен Алимов Яраш I-гуруҳ меҳнат ногирониман. Сизларга бугун нажот излаб хат ёзмоқдаман. Биз қўшнилар билан биргаликда 2000 йил 5 январь куни ўн беш қорамолимизни ўғирлатиб қўйдик. Қўшним Қаршиев Ислом (Улуғ Ватан уруши қатнашчиси)дан иккита, Қаршиев Баҳром (I-гуруҳ меҳнат ногирони)дан 5 та, Субҳонов Турсунмуротдан 1 та ва мендан 2 та.

Болаларимиз узоқ яйловларгача излаб-излаб топа олмагандан кейин 14 январь куни туман ички ишлар бўлимига молларимизнинг йўқолганлиги тўғрисида ариза билан ёрдам сўрадик. Гумондор шахсларнинг рўйхатини бердик. Лекин милиция ходимларининг ҳаракатсизлигидан ҳафсаламиз пир бўлди. Туман маркази бизга 70 км, яна 8 км га пиёда бориб, кейин автобусга чиқилади. Милиция терговчиси Эшназаров Бахтиёрнинг чақирув қоғози билан болаларим 3 марта сарсон бўлиб борди, лекин натижа чиқмади.

Гумон қилинаётган шахслардан бирининг (у ҳеч қаерда ишламайди) 4-синфда ўқиётган боласи молларимизни қайтариб юрган. Уйидан тинтув пайтида бешотар милтиқ чиққан, лекин ҳар нарсани кутса бўладиган бу шахс ҳамон очиқда юрибди. Яна унинг гаплари антиқа...

Болаларим ёки қўшниларимни кўрса, жой топа олмай қолади.

Биз ариза билан Қўшработ туман прокурорига бордик, лекин бир қоғоз билан иш ўзгариб қолмайди, деб аризани қабул қилишмади. Қўшработ туман ҳокимлигига бордик. Ҳокимлик эса милицияга буюрди. Мана қарийб уч ой бўлибдики, милиция молларингизни топиб берамиз, деб қуруқ ваъдадан нарига ўтмаяпти.

1999 йил 16 октябрда қўшни Сарибулоқ қишлоғидан беш бош, 16 декабрь кунида тўрт бош қорамол йўқолганди. Улар ҳам топилмади.

Яхши кунимизга, тўйимизга, оиламизга ятамиз деб мол қилсак, улар изсиз йўқолиб кетаверса...

Ўғри, муттаҳамларнинг жазосини ким беради?!

Яраш АЛИМОВ,
I-гуруҳ меҳнат ногирони

ТАҲРИРИЯТДАН: Юқоридаги мол ўғрилиги ҳодисаси бўйича Баҳром Қаршиевдан келган шикоят хатини газетамизнинг шу йил 5-11 апрель сонидаги хатлар шарҳида берган эдик.

Орадан бир ой ўтди, энди Яраш Алимовдан келган мактубни ҳеч ўзгартиришсиз беряпмиз.

Умид қиламизки, Қўшработ тумани ҳокимлиги ва туман ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари юқоридаги ҳодиса тафсилотларини ўрганиб, ҳал қиладилар.

"Ҳуррият" мавзуга яна қайтади.

ҚИЁС

Болқон можароларини матбуотда ёритиш жараёнида 61 нафар журналист машъум уруш қурбони бўлди.

1999 йилда 80 дан ортиқ ҳамкасб эркин ахборот алмашганлиги туфайли қамоқ жазосига тортилди.

36 журналист оламдан бевақт кўз юмди.

ХАВОТИР

Ўтган ҳафтада таҳририятлар биноси остидаги ошхона ҳисобчиси турмушга чиқди. Маҳаллий журналистларнинг эътирофларига кўра, эндиликда матбуотчиларнинг насияга овқат олиб ейишлари гумонлигича қолмоқда.

ТАФТИШ

ҚИММАТГА ТУШГАН БАШОРАТ

Бозор муносабатлари чангалзорида мўмай пул топиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди, бироқ қорин ташвиши, рўзғор, орзу-ҳавас деган гаплар сенинг ношудлигига қараб ўтирмайди. Талаб қилади, ҳаловатингни ўғирлайди, умрингда ўзингга раво кўрмаган ишларга қўл уришга мажбурлайди. Ахир атрофингда гуллаб-яшнаб кетаётганлар юрибди-ку, "кўки"ни санаб, айшини суриб! Нима, сенинг қаеринг кам улардан?!

Бундай фалсафа эндиликда сафсатага айланиб бўлди, уни гўдак бола ҳам сизу биздан кўра ўхшатиброқ айтиши мумкин. Шундай-ку-я, лекин... фельетонбоп ҳодисалар шундан бошланган-да! Мана, ўқинг, хулоса чиқаринг.

Отабек Ибрагимов ҳали ўттизга етмаган, вужуди орзу-ҳавасларга тўла, эртаю кеч тузган "бизнес-режа"лар-ку, йиғилса, нақ бир китобга жо бўладиган. Фақат даромаддан дарак йўқ, пул йўқ, пул! Бесамар хаёллар тутқин бермаётган кунларнинг бирида Отабекнинг кўзига "Ташкентская неделья" газетасидаги эълон тушади:

"Галина Якоб – помош в семейних, личних проблемах в любом деле, лечение. А также предсказание судьби, гаданье. Т. 94-36-65"

Ё, қудратингдан! Холис маслаҳатгўй бор экан-ку!

Бозор муносабатлари чангалзорида адашиб-улоқиб юрган нотавонларнинг жонига оро кирадиганлар бор экан-ку!

Хуллас, тақдир замонамизнинг омадсиз қаҳрамонларидан бирини замонавий "хизр" аёлига йўлиқтирди. Галинабону Отабекнинг кўнглига қўл, келажагига назар солди. Бир неча "сеанс"да берилган йўл-йўриқлар натижасиз қолмай, аёл ўша пайтдаги бозор ҳисобида 3200 АҚШ долларини Отабекнинг қўлига нақд тутқазди. Худо бераман деса, ғойибдан келиши шу бўлса керак-да! Яқин ошна-оғайниларингдан тўрт танга сўрасанг тўрт минг хил важларни айтиб қулоғингни қоқиб қўлингга берсаю, етти ёт бегона, мушфиқ бир аёл шу-унча пулни киссангга солиб қўйса, устига-устак, яқин кунларда омадли кунлар кутаётганини башорат қилса!..

Лаббай, 3200 ни айтаяпсизми? Албатта қуруққа эмасда, процентига! Фоиз десангиз ҳар ким ҳам тушунавермайди, шунинг учун биз ҳам "халқаро" тилда процент деб қўя қолдик.

Отабек Ибрагимовнинг хонумонини куйдирган ҳам мана шу процент!

Эҳ-ҳе-е, озмунча мардимайдоннинг белини чиқардими бу сўз!

Назаримда, келишув-шартнома чоғида белгиланган муддат бир асрдек, қайтарилиши келишилган фоизи арзимас чақа бўлиб туюлса керак-да! Афсуски, вақт қарз берувчининг назарида нечоғли имиллаётган бўлса, қайтарувчи назарида елдек ғизиллаб ўтиб бораётгани... сезилмай ҳам қолади. Отабек ўз оғзи ва имзоси билан аҳдлашган фоиз тўлаш муддати ғиз этиб етиб келдию, боши тақ этиб деворга тегди! Галина Якобнинг башорати чин чиқмади, Отабекнинг савдоси юришмади, фоизи тугул, сарфлагани ҳам. Устига-устак, башоратчи меҳрибон аёл Отабекни сиқувга олди: осмондан бўлсаям топиб берасан, акс ҳолда уйингни хонавайрон қиламан деб туриб олди. "Турмада чиритвораман!" деб дўқлади.

Дўқ-пўписадан ўтакаси ёрилган Отабек ишкални ота-онасига сездирмади, ўйлай-ўйлай боши тош қотган маҳали "ялт" этиб янги ғоя келди: Нозиманинг уйини сотаман!

Нозима – Отабекнинг синглиси, турмуш қурган, оиласи билан Тошкентнинг Юнусобод тумани Киев кўчасидаги хонадонида тинч-хотиржам яшар эди. Ҳовли синглисининг номида, лекин куёв тўра нима дер экан?

Жигарчилик экан, Нозима воқеани эшитиб ўтакаси ёрилади, акасини қамоқ жазосидан асраб қолиш умидида ҳовли-жойни шартта аканинг номига ҳадя қилади, Отабек заррача ҳаяллатмай уйни Г.Якобга "пуллайди". Иш бу қадар хамирдан қил суғургандек битишига, турган гап, "авлиё" аёлнинг анчагина хизмати сингди.

Ана шундагина ҳовли олди-сотдисидан Отабек билан Нозиманинг ота-оналари хабар топишади. Югур-югур бошланади, ўртага одам тушади, Г.Якоб билан музокаралар олиб борилади, бу орада тилло тақинчоқлар гаровга тикилади. Бироқ Г.Якоб хоним қўлга киритган ҳовлини топширмайди. Шундагина ҳовлининг эгалари судга мурожаат қиладилар. 1999 йилнинг 30 август куни Юнусобод туман суди даъво аризасини тасдиқлаб, ҳовли эгаларига қайтарилиши кераклиги ҳақида ҳал қилув қарорини чиқаради. Ибрагимовлар енгил нафас олишади, бироқ бу енгиллик узоққа бормайди. Тошкент шаҳар суди Раёсати қарори билан Юнусобод суди қарори бекор қилинади ва иш қайта кўриш учун яна шу туман судига йўлланади.

Ишни иккинчи бор кўриш Юнусобод туман суди судьяси М.Халилов чекига тушади. Судья жаноблари ишнинг барча "нозиклик"ларини инобатга олган чоғи, О.Ибрагимов даъвосини рад этиб, жавобгар Якоб хонимнинг қарши даъвосини қаноатлантиради: Киев кўчаси 16-хонадонда истиқомат қилувчилар мажбурий равишда кўчирилсин!

Ана энди суд ва суддаги мутасаддилар ҳангомасига тўхталайлик.

Туман суди қарорида қуйидаги сўзлар битилган: **"Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Киев кўча 16-уй-жой 1998 йил 9 февраль кунидаги нотариал равишда тасдиқланган ҳадя шартномасига асосан Ибрагимов Отабек Анваровичга тегишли бўлган".**

Дарҳақиқат, шундай. Бироқ... мулкни ҳадя этаётган шахс мазкур мулкнинг маълум қисмига эгалик қилиш ҳуқуқи бўлган бошқа шахснинг розилигисиз ҳадя қила олмаслиги қонунда кўрсатилган. Яъни, Нозима Ибрагимова ҳовли-жойни акасига ҳадя қилиш чоғида турмуш ўртоғи Ж.Жўраевнинг розилигини олмаган. Хўш, шундай экан, қандай қилиб, уйни ҳадя этиш, кейинроқ эса уни бошқага сотиш ҳужжатлари расмийлаштирилади?

Яна бир ишкали топилади: ҳадя шартномасини нотариал тартибда расмийлаштириш жараёнида туман БТИсидан олинган маълумотномадаги Нозима Ибрагимованинг имзоси қалбакилаштирилгани судда очилди. Куёв бўлмиш шу ҳақда дарҳол судга қўшимча даъво аризаси ёзди. Назаримда, шунинг ўзи ҳадя шартномасини ҳам, О.Ибрагимов ва Г.Якоб ўртасидаги олди-сотти шартномасини ҳам чиппакка чиқариш учун етарли эди. Эди-ю, суд бу ҳақда лом-мим демади.

Суд қарорининг яна бир жойини ўқиймиз: "Унда (яъни, низоли уйда – **Р.Ш.**) Ибрагимов Отабек ва бувиси Ибрагимова Саодатлар рўйхатда бўлишган. 1998 йил 22 май куни Тошкент шаҳар Яккасарой тумани I-давлат нотариал идорасида 18-494 реестрда тасдиқланган олди-сотди шартномасига биноан Ибрагимов Отабек ўзига тегишли бўлган Киев кўчаси 16-уйни жавобгарга (Галина Якобга – **Р.Ш.**) сотиб юборган"...

Иш Тошкент шаҳар суди раёсатидан қайтарилганида ундаги айни шундай ўринларга эътибор қаратилиши лозимлиги таъкидланган эди. Юқори суд идораси таъкидлайдию, туман судьяси М.Халилов ишга холис ва адолатли ёндашмайди. Ахир, судья жанобларининг ўзи ўз қўли билан ёзган қарорда мазкур ҳовлида Отабекдан ташқари унинг бувиси ҳам рўйхатда турганлигини ёзиб қўйибди-ку! Ҳовлини сотиш чоғида бувининг розилиги олинганмийўқми - нега суд жараёнида аниқланмади? Ваҳоланки, шаҳар суди раёсати қарорида айни шу ҳолатга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги алоҳида таъкидланган. Судья ўзи кўраётган ишга панжа орасидан қарамаганида эди, ҳужжатларини тўлдиришдаги яна бир қинғирликни пайқаган бўларди. Яъни, ҳовли-жойни сотиш жараёнида нотариусга тақдим этилган ҳужжатлар орасида мазкур ҳовли жойлашган "Оқибат" маҳалла қўмитаси томонидан берилган маълумотнома имзоси ҳам, унга ким муҳр босганлиги ҳам мавҳумлигича қолди. Ўртада шу ҳолат юзасидан ҳам тортишув қўпдию, судья парво қилмади... Тағин бир ҳолат: судда Г.Якоб вакиллари уйни нақд пулга сотволганмиз, ҳеч қанақа қарз-парз ҳақида гап бўлмаган, деган даъвони илгари суришди. О.Ибрагимов эса, Г.Якоб хонимнинг шахсан ўзи ўз қўли билан Юнусобод туман ИИБга О.Ибрагимов ўғлидан катта миқдорда қарз экани, шунинг учун эвазига ҳовли-жойни олганини билдириб ёзган ариза нусхаси келтирилди. Бироқ судья М.Халилов буни кўриш у ёқда турсин, ҳатто эшитишни ҳам хоҳламади...

Мол аччиғи - жон аччиғи. Г.Якоб вакиллари тағин битта важ кўрсатдилар: биз иккита уй ("дом" бўлса керак) ва битта "Нексия"ни сотиб, пулига шу ҳовлини сотволганмиз!

О.Ибрагимов ҳимоячиси эса, уй ва машина сотилгани ҳақидаги ҳужжатларни чақириб олиш тўғрисида судга илтимоснома киритди.

Судья эса, бу илтитмосномани на қаноатлантирди, нада рад этди: гўёки ҳеч нима бўлмагандек ишни "кўрверди". Хуллас, бундай эътиборсизликдан яна икки-учтасини қаторлаштиришимиз мумкин. Бироқ бефойда, судья ўз қарорини чиқариб бўлган... Хўш, судьянинг эътиборини бу қадар "ўғирлаб" қўйган куч қаерда?

Бу савол жавобини Галина Якоб шахсидан излашга тўғри келади. Бу аёлнинг одамларнинг юз-кўзини боғлаб қўйиш қудрати ҳақида гоҳ ғазабланиб, гоҳ нафратланиб гапирганлар кўп экан. Уларнинг аксарияти мана шу "қудрат" соҳибасининг қармоғига илинганлар, яъни ундан нажот истаб келганлар ва нажот ўрнига жафо топганлар.

Мана, биттаси.

Ўтган йилнинг февраль ойида Г.Якоб Тошкент туман судига фуқаро С.Қориевга нисбатан уй-жойидан мажбурий кўчириш тўғрисида даъво билан мурожат қилган. Бундан хабар топган С.Қориев ҳайрон!

Ахир у ўзи яшаб турган уйни бундан олти йил муқаддам Э.Холматов деган шахсдан халпаи-ҳалолига сотиб олган-ку!

Найрангбозликнинг чуви кейин чиқди: маълум бўлишича, Э.Холматов ҳали уйни С.Қориевга расмийлаштирмасдан бурунроқ ҳовли ҳужжатини Г.Якобга нотариус орқали расмийлаштириб берган экан.

Ол-а-а! Бу қанақаси бўлди?

Э.Холматов тирикчилик ташвишида бошини қаёққа уришини билмай юрган кунларнинг бирида қўлига "Ташкентская неделья" тушади, унда Г.Якобнинг мақоламиз бошланишида келтирилган эълони битилган эди. Э.Холматов "Ё, омад!" деганича икки оёғини қўлига олиб Галина хоним хонадонига югуради. Оқибати... Э.Холматовнинг бошига худди Отабек Ибрагимовнинг қисмати тушади...

Ана энди масала анча ойдинлашган бўлса керак, муҳтарам газетхон?

Биз ҳам журналист текшируви асносида хоним билан кўришиш истагида эълонда кўрсатилган телефон рақамини кўплаб марта тердик. Жавоб бўлмади, жавоб бўлса ҳам гаплашишни исташмади. Ниҳоят, хонимнинг ўғли билан боғланишга муввафақ бўлдик. Телефондаги қисқача суҳбатнинг эртаси куни таҳририятга Г.Якобнинг шахсан ўзи, ўғли ва адвокати билан ташриф буюрди. Қўлида судья М.Халилов чиқарган қарор. Турган гап, ўғил ва адвокат ўзлари ҳақ эканини исботлаш ҳаракатига тушди. Якоб хонимга қарата "Опажон, сизга бир савол?" дейишимиз билан опажон тушмагур "Я не буду говорить" дея урра солиб хонадан чиқиб кетса бўладими?!

Орадан уч-тўрт кун ўтгач, хонимнинг ўғли низоли уй китобчаси ("домовой") ва нотариал шартнома ва ўзларининг фойдасига чиққан суд қароридан нусхаларни ташлаб кетди.

Энди буларнинг бизга кераги йўқ. Сабабки, судья М.Халилов чиқарган қарор куни кеча Тошкент шаҳар судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан бекор қилинди. Шу боис ҳам бу аёлга маҳалла қўмитасидан берилган тавсифномадаги "Газета орқали эълонлар тарқатиб, оғир кунга тушган одамларга ёрдам бераман деб... ҳамёнига шерик бўлиб ёки уй-жойини тортиб олиб, шунинг орқасида кун кўриб юради" деган гапларга ортиқча тўхталиб ўтирмаймиз. Унда бундан оғир сўзлар ҳам ёзилган, фақат биз аёл кишининг шаъни деган истиҳолада газета саҳифасига кўчиришдан тийилдик. "Интермед" халқ тиббиёти маркази томонидан берилган **"Предсказательница судеб" Галина Якоб оказивает услуги насилению как физическое лицо, не имеет лицензию Минздрава и патента на индивидиульную трудовую деятельность". На основании Закона "Об охрание здоровья граждан" РУз реклама без лицензии в средством массово информации запрещена"** деган мазмундаги хатга ойдинлик киритишни ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ихтиёрига қолдирамиз. Галина Якобнинг кимлиги аёнлашдими? Сезиб турибмиз, сизда туғилган бир саволга жавоб берайлик. Галина Якоб қайси миллатга мансуб шахс?

Ғирт ўзимизнинг ўзбек! Биз атаётган исм-шариф унинг башоратчи сифатидаги тахаллуси! Ҳақиқий исми: Ёкубжонова Ҳалима!

Ана, шунақа гаплар...

Рустам ШОҲМУРОД

ЖАВОБ

"ЕРЛАРИМИЗНИ ОЛИБ ҚЎЙИШДИ"

"Ҳуррият", 2000 йил 5-11 апрель

Бухоро вилоят прокуратураси "Ҳуррият" газетасининг 2000 йил 5-11 апрелдаги 14 (167)-сонида чоп этилган "Ерларимизни олиб қўйишди" номли мақоласи юзасидан қуйидагиларни маълум қилади.

Вилоят прокуратураси томонидан Пешку туманидаги "Маданият" жамоа хўжалиги ҳудудида фаолият кўрсатаётган "Бобоқул ҳожи", "Ниёзхўжа", "Ҳожиниёз" ва бошқа фермер хўжаликлари раҳбарлари А.Маҳмудов, Т.Каримов ва бошқалар 2000 йил 21 февраль куни вилоят прокурори номига туманнинг собиқ ҳокими К.Маҳмудов ишдан олингандан сўнг, туман ҳокими ўринбосари Тошев 1999 йил 24 декабрда фермер хўжаликларини ташкил этиш тўғрисида туман ҳокимининг қарори нотўғри деб, улардан "ўз ихтиёрим билан фермер хўжалиги фаолиятини тўхтатдим" мазмунида мажбурий ариза ёздириб олиб, асоссиз равишда фермер хўжаликлари фаолиятини тўхтатиш тўғрисида қарор чиқарганлиги, ушбу қарордан улар норози эканлиги, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб ёзган аризалари юзасидан текшириш ўтказди.

Аниқланишича, Пешку туман ҳокими вазифасини бажарувчи Тошев томонидан жорий йилнинг январь ва февраль ойларида тумандаги "Маданият" ширкат хўжалиги ҳудудида фаолият кўрсатаётган жами 26 та фермер хўжалигининг фаолиятини тўхтатиш ва уларнинг ерларини "Маданият" ширкат хўжалигига олиб бериш ҳақида қарорлар чиқарилган.

Мазкур қарорларнинг қонунийлиги ўрганилганда, улар Ўзбекистон Республикасининг "Ер тўғрисида"ги кодексининг 36-моддаси 1-банди ва "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонуннинг 32 – 33-моддалари талабларига зид равишда қабул қилинганлиги аниқланиб, вилоят ва туман прокуратуралари томонидан туман ҳокимининг ушбу қарорларига протестлар келтирилди.

Ушбу протестларнинг барчаси туман ҳокими томонидан қонунда белгиланган муддатда кўрилиб, қаноатлантирилган ва фермер хўжаликларига тегишли ерлар қайтарилиб, уларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Шунингдек, мақоладаги "Прокуратура ходимлари шикоятимизни ўрганиб, ҳоким қарорларига протест киритган бўлса-да, уни бекор қилишга негадир шошмаётирлар..." деган важлари асоссиз деб топилди.

Вилоят прокуратураси идоралари томонидан фермер хўжаликларини қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш алоҳида назоратга олиниб, уларга амалий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилмоқда.

Б.НОРОВ,
Бухоро вилоят прокурори ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси

ОЛ-А!..

ОҚ ДЎППИ-КЎК ДЎППИ, ШЛЯПА ҚАЁН КЕТДИ?..

Мустақил фикрлашни ўрганиш учун "Халқ таълими" журналидаги махсус тренингни ўқинг

— Биров "ўзингни томдан ташла", деса, ташлайверасанми, сал бўлсаям ўз фикрингга эга бўлсанг-чи, болам. Ким нима деса, шунга ишонаверасанми? Жуда куйдириб юбординг-ку!

— Ҳай-ҳай, биродари азиз, кўп ҳам койийверманг болани. Катта бўлганда йўлини топиб кетар...

— 15 га кетаяпти, мўйловини қаранг!

— Биродари азиз, яқинда мен бир мақола ўқидим. Ана ўша мақолада ўспирин ёшларни қандай қилиб мустақил фикрлашга ўргатиш мумкин, деган савол қўйилади. "Мустақил фикрлашни ўргатиш бўйича тренинг" мақоласидан (Журналнинг шу йил 1-сонида) бир лавҳани айтиб берай.

— Хўш-хўш... Қулоғим сизда, ака!

"Океанда чўкаётган кемани қутқариш учун нималар қилиш керак?", деган муаммо қўйилади мақолада. Кемани қутқариш учун аввал "Яшил дўппини кийиб, янги ғоялар, таклифларни илгари сурамиз", — дейди муаллиф.

"Чўкаётган кемадан омон қолиш, уни қутқариш учун капитаннинг буйруғига амал қилиш керак", — деган оддий насиҳатни қўя турайлик-да, тренинг мақоладаги йўл-йўриққа қарайлик. Хўп, ғарқ бўлаётган кемани қутқариш учун яшил дўппи кийиб олгач, сўнг нима қиламиз?

Кемадагилар қалбида "қандай ҳислар пайдо бўлганини билиш учун қизил дўппини киямиз", деб таъкидланади. Тўғри-да, чўкаётган кемада қий-чув, тўс-тўполон бошланади, биров рози-ризолик сўрайди, биров қирғоқда қолган боласини, оиласини ўйлаб қайғуради... Ана шунда "қизил дўппи" кийинг экан...

Кеманинг узунлиги неча метр, тезлиги қанча эди, йўналиши-чи, унда қанча йўловчи бор эди?

Бунинг учун "ҳамма оқ дўппини кийиб, қандай фактлар, маълумотларга эгамиз, қандай маълумотлар зарурлиги ҳақида ўйлаши" керак экан.

— Унгача кема чўкиб бўлади-ку! — дейсизми? Парво қилманг.

Буёғини эшитинг. Муаллифнинг мустақил фикрлашга ўргатиш бўйича биринчи машғулоти 6 хил "фикрловчи шляпа" дейилади. Ҳар бир шляпа тафаккурнинг маълум типини тавсифлайди ва мияда бирор фикр пайдо бўлса, шунга мос рангли шляпа кийиш тавсия этилади. Аммо муаллиф нима учундир ўспиринга шляпа ўрнига энди... дўппи кийдиради. Масалан, ўспирин бошидаги сариқ дўппи (бирор ўспириннинг сариқ дўппи кийганини ким кўрган?!) унинг бирор нарсанинг афзаллиги, фойдаси ҳақида тафаккур қилаётганини англатади. Бу нарсанинг афзаллиги ҳақиқатга қанчалик мос келади? Бу фикр каллага келдими — дарҳол сариқ дўппини олиб, бошга қора дўппини қўндирасиз. Зеро, тавсия шундай. Умуман, дўппилар оқ, қизил, қора, сариқ, яшил, кўк рангда бўлиши керак. Муаллиф ёзади: "қулайлик учун шляпалар 6 хил. Агар сизга уларнинг сонини ошириш таклиф этилса, қандай тафаккур тури учун янги дўппиларни таклиф этган бўлардингиз?

Битта гапнинг ўзида щляпа дўппига айланаяпти-я!

— Масалан, мен тадбиркорлик ва ишбилармонликни орзу қилаётганлар учун чуст дўппини, саҳнада Кумушбиби образини яратиш фикрида юрганларга Марғилон дўппи, "Асакабанк"ка ишга киришни фикрлаётганлар учун Андижон дўппини тавсия этардим. Шунга ўхшаш, турли-туман фикрлар учун Қўқон дўппи, ироқи дўппи, чаманда гул дўппи, Лайло дўппи, зар дўппиларни таклиф қилиш мумкин. Миянгиз фикрларга бой, тафаккурингиз юксак бўлса, дўппилар камлик қилади, у ҳолда жаҳон халқларининг бош кийимларини уйингизга йиғиб олиб, узлуксиз равишда уларни ечиб кияверасиз. Фақат ҳар бир бош кийим қайси фикрга мослигини унутиб қўймасангиз бас! Муаллиф вазифа беради: "Инсон қандай дўппини кийганда бу гапларни айтиши мумкинлигини аниқланг:

"Бу деворга чиқиш мумкин эмас", "Бензиннинг нархини ошириш одамларни эҳтиёт бўлиб юришга мажбурлайди, деб ўйлайман", "Энди биз тўхтаб, барча ўзимизда бор усулларни санаб кўрсатишимиз керак" каби яна учта гап.

Ҳар бир ранг тафаккурнинг маълум типини тавсифлайди, дейилганди. "Бу деворга чиқиш мумкин эмас" — тафаккурнинг қайси типига киради? Нега шляпа дўппига айланиб қолди? Ўзбек ўспиринларига шляпа ярашмайдими? Ёки бошқа мақоладаги "шляпа" "дўппи", дея таржима қилиндимикин? Хўш, бу саволга жавоб бериш чоғида бошингизга қандай рангли дўппиларни киясиз? Қизлар-чи? Улар ҳам дўппи кияверадими ёки рўмол ўрашадими?

Хуллас, океанда чўкаётган кемани бошдаги шляпаларни дўппиларга алмаштириш билан қутқариб бўладими? Йўқми? Бошимдаги 6 хил дўппини олдимга қўйиб, шуни (бош яланг) фикрлаяпман! — Мана, биродари азиз, ўн минглаб маорифчиларнинг эркин, мустақил фикрловчи шахсни тарбиялашга қаратилган муаммо ва ташвишлари 6 хил (боринг, ана, 10 хил бўлсин!) рангдаги шляпа-дўппини кийиш-ечиш, ечиш-кийиш билан ҳам бўлар экан-ку. Сиз болангизни койиб юрасиз...

Югуринг бозорга ва болангизга 10 хил рангдаги дўппиларни сотиб олинг ва журналдаги тавсияга амал қилинг. Агар болангиз ана шундан кейин ҳам мустақил фикрлашни ўрганмаса, таҳририят кафил... Мабодо, шу вақт ичида кема чўкиб кетган бўлса, муаллиф ва мақолани чоп этишга тавсия этганлар, таҳририят, энди уни океан тубидан чиқариш муаммосини ечсин. Бу масала аввалгисидан мураккаб ва унга тескари бўлгани учун дўппи (балки, шляпа!)ларни тескарига ағдарамиз ва фикрлашни бошлаймиз: оқ дўппининг тескариси кемани чиқар-чиқар, қора дўппи тескариси кемани чиқар-чиқар, оқ дўппи-ю кўк дўппи, шляпа қаён кетди? Шляпажон, шляпа, сен қандоқ бўлдинг дўппи?!

Мирфозил МИРЗААҲМЕДОВ,
кекса муаллим, "Халқ таълими" журнали ўқувчиси

ЖУРНАЛИСТ ТЕКШИРУВИ

СУД ҚАРОРИ ЧИҚДИ-Ю...

Ёки уйидан бошпана берган укани судга берган опалар ҳақида

Даврон ОРИПОВ,
"Ҳуррият"нинг махсус мухбири

Сариосиё туманида бир мулкий низо узоқ вақтдан буён давом этиб келади. Қизиғи шундаки, ушбу низо бўйича суд аллақачон ўз ҳал қилув қарорини чиқарган бўлса-да, оддий маҳалладошлардан тортиб қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғини, туман ҳокимияти ва жавобгар бу қарордан норози. Келинг, Сариосиёнинг ҳар бир гўшасида фуқаролар анчайин таассуф ва иддао билан "шарҳлаб" келаётган ушбу иш юзасидан сариосиёликларнинг ҳис-ҳаяжонларини бир томонга суриб қўяйлик-да, ўз мулоҳазаларимизни баён этишга уриниб кўрайлик.

Тоқчиён қишлоқ йиғини ҳудудидаги Маданият қишлоғида яшовчи Қурбон Рўзиевнинг уч опаси ва бир синглиси оталари Маҳмуд ака вафотигача турмушга чиқиб, алоҳида оила қуришганди. 1990 йилда аввал ота, 1993 йилда эса волидаи муҳтарамалари Зийнат момо бирин-кетин бандаликни бажо келтиришади. Бу пайтда ота-она қарамоғида бўлган Қурбон умр йўлдоши билан ҳар икки марҳумнинг маъракаларига бош бўлиб, зарур расм-русумларини адо этишади. Шу ишларнинг барини Қурбон амалга оширганлиги бутун маҳалла-кўй, қишлоқ фуқаролар йиғини мутасаддиларининг эътиборидан четда қолгани йўқ. Қобил фарзанд нафақат яхши кунда, балки ота-онани сўнгги манзилига кузатишда ҳам бош-қош бўлишини Қурбондек йигитлар мисолида яна бир бор кўришди ҳамқишлоқлар.

Сурхондарёда азал-азалдан яхши бир одат сақланиб қолган. Одатки, уни бирор-бир қолипга киритишнинг, ҳеч бир қонун билан ўлчашнинг иложи йўқ. Яъни, ота-она ҳеч қачон фарзандларига ўзидан кейинги мулкни расмий равишда мерос қолдирмайди. Русумга кирган бундай одатлар сабаби суриштирилмайди. Аммо вазиятга аниқлик киритиш учун кўпни кўрган кексалардан суриштириб кўрдик. "Уят бўлади, — дейишади улар, — ота-онадан қолган мулк бизнинг одатимиз бўйича ота-онанинг умри поёнида улар билан бир ҳовлида яшаган ва шу ҳовлида қолган, уларни сўнгги манзилига кузатишни зиммасига олган фарзанд ёхуд кенжа ўғилга қолади".

Шунинг учун ҳам Маҳмуд ота ва Зийнат момо ўзларидан кейинги мулкка ўғиллари Қурбон меросхўр бўлишини билиб, васиятнома қолдиришмайди. Балки уларнинг ўлимидан кейин аллақачон алоҳида турмуш қилиб, бу оила бағридан чиқиб кетган қизлари мерос талашишларини билганида, улар муқаддас одатларимизни биринчилардан бўлиб "бузган" ва ўз мулкларини ўғилларига расмий ҳужжат асосида қолдирармиди.

Ҳаётда ҳар нарса бўлиши мумкин. Опалари ва сингилларининг бирин-кетин турмушлари бузилиб, оиласидан ажрашганига Қурбон ич-ичидан эзилган бўлса-да, сир бермади. Бир қориндан талашиб тушган жигарлари, ахир. "Мана уй, яшаб туринглар, кун келиб яна бахтларинг очилар. Ойнинг ҳам ўн беши ёруғ", дея уларга бошпана берди. Отасининг иморати ёнидан тўрт хонали уй қургани боис томорқа қисқариб (07 сотих ер майдони) деҳқончиликка ярамай қолган, шунинг учун ҳилвираб қолган иморатни бузиб ташлашни ҳам режалаштирганди. Аммо опаларининг вақтинчалик туришларини ҳисобга олиб, фикридан қайтди. Тўққиз йил бадалида уй ва мол-мулк солиқларини оила бошлиғи сифатида тўлаб келди.

Аммо инсон ҳар гал ҳам қилган яхшиликлари учун муносиб тақдирланмас экан. Бу орада опа-сингиллар мерос масаласини кўтариб қолишди. Муқаддас саналган одатларга тош отилди. Марҳум ота-онанинг руҳи-поки безовта бўлди. Маҳалла-кўй, қўни-қўшни бу ишдан ҳайрон-у лол. Ахир Сариосиёда бунақаси ҳали бўлмаганди-да.

Аввалига, қўни-қўшни, маҳалла оқсоқоллари аралашди. Опа-сингилларга қилаётган ишлари нодуруст эканлигини, кун келиб ҳар қандай яхши-ёмон кунларига барибир укалари Қурбон яраб қолишини эслатишди. Муқаддас одатларимизни тушунтиришди. Тўрт аёлнинг бир қисм мулкка эгалик қилгани билан эртага улар яна барибир турмушга чиқишлари, ўшанда бу масала янада чуқурлашиши, бўлинган мулк энди язна-поччалар ўртасида ҳам талаш бўлиши мумкинлигини огоҳлантиришди.

Йўқ. Бўлмади. Ишга суд аралашди. Ва ҳукм ҳам ўқилди. Суд ҳукмига биноан отадан қолган уй мерос сифатида қизларга бериладиган бўлди.

Суд қонунни сўради. Аммо мулк талашган тўрт опа-сингил ва ука, уларнинг оила-аъзолари қандай қилиб бир дарвозадан кириб-чиқиши, яшаши мумкинлиги билан қизиқмайди. Бу судларнинг вазифасига кирмайди-да.

Суд жараёнида маҳалла фаоллари, қишлоқ йиғини оқсоқоллари ҳам анчагина ҳужжат тайёрлашган, бу масалада ўз фикрларини билдирмоқчи эдилар. Масалан, қуйидагилар: Агар ҳовлидаги янги уйни опа-сингиллар қурган бўлса (суд шу фикрга келган-да), қани буни далилловчи ҳужжатлар? Нега суд мажлисларида маҳалла оқсоқоллари гувоҳ сифатида чақирилмади, уларнинг фикрлари, таклифлари эшитилмади? Ота-она вафотидан кейин мол-мулк ва томорқа солиқларини тўлаш нега опаларнинг хаёлига келмади? Ота-онадан кейин Қурбон Рўзиевнинг оила бошлиғи сифатида рўйхатдан ўтгани Тоқчиён қишлоқ йиғини ҳамда Маданият маҳалла йиғинининг Қ.Рўзиевнинг ота-онасидан қолган уй ва томорқага эгалик қилиш ҳуқуқини тан олган баённомалари ва қарорлари нега мутлақо инобатга олинмади? Агарки маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинидек нуфузли идораларнинг фикрлари, қарорларини ҳеч ким (ҳатто суд) инобатга олмаса, унда бу маҳкамаларнинг тарбиявий аҳамияти қаерда қолди? Судки маҳаллага ишонмаса, додингни кимга айтасан?!

Бу саволларни журналист қўяётгани йўқ, балки сариосиёлик, тоқчиёнлик оқсоқоллар томонидан кўтарилган саволларни, яъники суд жараёнида ҳеч ким эшитишни истамаган ва жавобсиз қолган саволларни қайтаряпман, холос. Суд адолат мезони бузилмаслиги учун ишни маҳалла оқсоқолларининг мана шу саволларига жавоб излашдан бошлаши керак эди, назаримда. Қурбон Рўзиевнинг маҳалладошлари, қишлоқ йиғини раҳбарлари яна бир масалада суд қарорига раддия билдиришмоқда. Опа-сингилларнинг ота-оналари вафот этгач узоқ йиллардан кейин мерос даъво қилишаётгани, улардан Рўзиева Мавлуданинг уйи, Рўзигулнинг 10 сотихли томорқаси, Шарғунда 2 хонали уйи борлигини умуман эътиборга олмаганида қандай сир-синоат бор?

Ҳа, маҳалла аҳли ҳақли саволларни ўртага ташлаяпти.

Уларнинг фикрича, суднинг бу қарори мазкур муаммога нуқта қўёлмайди, аксинча маҳалладаги ғавғолар янада авж олиши мумкин. Бутун бир маҳалла, қишлоқ йиғини мулк ҳаққи-ҳалол Қурбон Рўзиевники деб турибдими, демак бу бекорга эмасдир? Негаки маҳалла ҳар кимни ҳам кафилликка олавермайди.

Суд жараёнида судьянинг жавобгарга қилган дағдағалари, соддадил қаҳрамонимизнинг қозининг қовоғидан қўрқиб аллақандай қоғозларга кўз юмиб имзо қўйгани-ю, умуман, айни шу низо бўйича "очиқ суд" мажлиси бўлиб ўтганига билдирилган шубҳалар хусусида ортиқча тўхталмадим. Булар алоҳида мавзуки, уларга асос вазифасини ўтовчи далиллар излаш билан андармонмиз шу кунларда. Бироқ бундан қатъий назар, юқоридаги фикрлар Сариосиёда рўй берган ғайритабиий ҳолат юзасидан, қолаверса, суд жараёни хусусида журналист сифатида билдирилган мутлақо шахсий мулоҳазалардир.

Охирида ўзимни қийнаган яна бир мулоҳазани айтиш жоизга ўхшайди. Бугун ҳовли — уй талашиб, эртага бировнинг хасми бўлиб чиқиб кетган тақдирда опа-сингиллар ўз укалари кўзига тик боқа олармиканлар?!

Шу масалада гурунглашганим — ўнлаб сариосиёликлар ҳам шу ҳақда ўйлашади. Ҳар қанча қайғурмайлик, бу саволларга олий ҳакам — ВАҚТнинг ўзи аниқ жавоб топадиганга ўхшайди.

"Хон"га реклама...

АФСУС

ҒИРРОМ

Ёки "бировнинг таҳоратига намоз ўқийдиган" айрим олимлар хусусида

Илҳом ЙЎЛДОШЕВ,
журналист

Тинимсиз ўқиб-изланишлари, Аллоҳ берган иқтидори туфайли олимлик унвонига эга бўлган кишилар ҳам илмий жамоатчилик, ҳам халқ ва давлат томонидан эътироф этилиб, ҳурмат-иззатга сазовор бўладилар. Лекин кимлардир илмда ғирромлик йўлини танлар экан.

Тошкентдаги "Ўқитувчи" нашриёти 1995 йилда Насриддинов Тўхтасин Юсупович ва Асқаров Иброҳим Раҳимовичлар қаламига мансуб бўлган "Химия ўқитишда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси" номли китобни босмадан чиқарган. Қарийб 100 бетдан иборат ушбу китобча "Сўз боши"сида таъкидланишича, "...Бу қўлланма олдига қўйилган асосий мақсад педагогика институтларида химия-биология ўқитувчилари тайёрлаш жараёнида уларни хавфсизлик қоидалари билан батафсил таништиришдан иборат".

Энди Термиздаги "Жайҳун" нашриётида 1999 йилда чоп этилган Ш.Х.Хуррамов билан Х.Х.Зокировларнинг "Меҳнатни муҳофаза қилиш фанидан маърузалар тўплами" (Табиий мутахассисликлар учун ўқув қўлланма) деган китобларини қўлга олинг. Аввало, "Табиий мутахассисликлар" деган жумла эриш туюлади кишига. Нима, сунъий мутахассисликлар ҳам бўладими, деган хаёлга ҳам борасиз. Китобнинг "Кириш" қисмига кўз югуртиринг:

"Ушбу қўлланманинг бош вазифаларидан бири ўрта, олий ва ўрта-махсус ўқув юртларида кимё ва биология фани билан машғул бўлган муаллим, техник ходим ва талабаларни меҳнат муҳофазаси хавфсизлик қонун-қоидалари билан батафсил таништиришдан иборатдир".

Қаранг, "муаллиф"лар жумлаларни бироз чўзиброқ, айрим қўшиб-чатишлар билан бошлашибди-ю, биринчи китобдаги жумланинг охирги қисмини шундайлигича кўчириб қўя қолишибди!

Биринчи китоб "Сўз боши"сининг охирида:

"Қўлланма ушбу соҳада биринчи марта ёзилаётганлиги туфайли айрим камчиликлардан холи бўлмаслиги мумкин..." иборасини "олим"лар "Кириш" сўзлари охирида: "Мазкур фан бўйича қўлланмалар етишмаслигини ҳисобга олиб, муаллиф кўп йиллик тажрибаларига асосланиб(?) ушбу соҳага илк бор жазм қилганлиги(?) сабабли айни қўлланма камчиликлардан холи бўлмаганлигини ҳисобга олиб..." тарзидаги жумлалар билан "камчиликлардан холи бўлмаслиги мумкин"лиги тўғрисидаги жумлаларни қисқартириб юборишган.

Кўчирмачиликнинг яна бир исботи шуки, биринчи китобдаги сарлавҳа ва сарлавҳачалар озгина "сайқал" берилиб иккинчи китобга ўтказилаверган.

Агар ҳар бир сўз, ибора ва атамаларни озгина "тўн кийдириш" ёки ўрнини алмаштириб қўйиш "илмий изланиш" ёки "олимлик иқтидори" деб баҳоланса, у ҳолда кўчирмачи "олимлар"га тасанно айтиш керак.

Термизлик муаллифлар шу тарзда Тошкентлик ҳамкасбларининг бутун-бутун сўзлари, жумлаларини кўчиришдан эринмайдилар. Фақат айрим байналминалча иборалар ўзбекчалаштирилади: "индивидуал"ни "шахсий", "техник инспектор"ни "техник назоратчи" тарзида.

Ҳатто, биринчи китобдаги турли жадваллар, чизмалар ҳам айнан кўчирилади.

Албатта, меҳнат хавфсизлиги стандартларидан келиб чиққан ҳолда бу чизмалардан фойдаланишни ҳеч ким инкор этмайди. Бироқ барча чизмалар, жадваллар, жумлалар қайси манбадан олинганлигини аниқ кўрсатиш лозимлигини ўқувчи билмаса ҳам, олимлар яхши билишади-ку!

Термизлик муаллифлар Тошкентда чоп этилган китобни ёзишда фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ҳам бекаму кўст кўчириб қўя қолганлар. Фақат биринчи рўйхатда "Ю.В.Плетнер" деб ёзилган бўлса, кўчирмада "В.Ю.Плетнер" деб, "Семёнов А.С."ни "А.С.Семёнов" тарзида ёзганлар.

Тошкентда китоб учун профессор Х.Р.Раҳимов муҳаррирлик қилган бўлса, Термиздаги китобнинг масъулиятини профессор Р.А.Қулматов ўз зиммасига олган. Шунингдек, унга кимё фанлари номзоди, доцент Р.В.Алиқулов, биология фанлари номзоди, доцент Х.Қ.Жумаевлар тақриз ёзишган. Китоб кўчирмачилик маҳсули эканлигини сезган ёки сезмаганликлари ул зотларнинг билим-савияларига, қолаверса, виждонларига ҳавола...

МАҒРИБУ МАШРИҚ
INTERNATIONAL LIFE

ҚИСҚА ВА ҚИСҚА

ХОРЕОГРАФ–ГЎРКОВ

Литва опера ва балет театрининг машҳур собиқ бош хореографи 57 ёшли Элегиюс Бунайтис кексалик пенсия пули яшаш учун етишмагани сабабли... гўрковлик қилмоқда. Ҳафтасига уч марта қабр қазийдиган хореограф-гўрковнинг хизмат ҳақи 300 лит (75 доллар) экан.

* * *

Грузияда 100 ёшдан ошган қариялар 800 нафар, 90 ёшдан ошганлар сони эса 15 мингта экан.

* * *

ЭНГ ҚИММАТБАҲО АЁЛ

Голливуд кино юлдузи ва хонандаси Женнифер Лопес ўз танасини бир миллиард долларга суғурта қилдирди! Ўзи ҳор-йўғи 54 кило чиқадиган бу аёлнинг ҳар бир килоси 18,4 млн. долларга тушяпти. Оёғи 400 млн (Б-52 бомбардион самолётининг 8 таси шунчага тушади!), кифти — 100, кўкраги — 200 млн.га баҳоланди.

Шундай қилиб, Лопес хоним дунёдаги энг қимматбаҳо аёлга айланди.

РАҚАМЛАР

Ёшлар кўпроқ нимани қадрлайди

	(фоиз ҳисобида)
Ўз қобилиятини ривожлантириш	– 68,8
Ҳаётдан завқланиш	– 65,4
Мустақил бўлиш	– 62,0
Ўз-ўзини намойиш қилиш	– 60,9
Нимагадир эришиш	– 56,3
Ўз бурчини яхши англаш	– 55,6
Бировнинг қарамоғида бўлишдан сақланиш	– 54,5
Ўзгаларга ёрдам бериш	– 54,2
Бойиш	– 52,1
Муаммолар	
Ишсизлик	– 45,3
Наркотиклар	– 36,4
Яқинлар билан муомала	– 32,1
Ўқув жойларининг етишмаслиги	– 27,5
Мактабдаги муаммолар	– 27,1
Келажак ҳаётдан қўрқиш	– 20,9
Зўрлаш, банда, жиноят	– 19,8
Пул муаммолари	– 18,9
Саломатлик муаммоси	– 18,9
Бўш вақтни кўнгилли ўтказиш имкониятининг йўқлиги	– 16,6

ТАҲЛИЛ

АФҒОН МУАММОСИ АБАДИЙ ЭМАС

Маъмуржон НИШОНОВ, профессор

ИЛК ИМКОНДАН ЧЕКИНИШ

XX асрнинг охирги чорагида Афғонистон тарихида афғон жамиятини ларзага келтирган, уни тубдан ўзгартириб юборган қатор даҳшатли ва фожиали воқеалар рўй берди.

1973 йилдаги давлат тўнтариши натижасида мамлакатда монархия тузуми тугатилди. Афғонистон республика деб эълон қилинди. 1975 йилда Афғонистоннинг баъзи бир вилоятларида исломий кучлар республика тузумига қарши бош кўтарди. 1978 йил "Апрель инқилоби" ғалаба қилди. Афғонистон Демократик республика деб эълон қилинди. Мамлакатда коммунистик режим ўрнатилди. Бу режимни ҳимоя қилиш мақсадида 1979 йил декабрнинг охирларида Совет қўшинлари халқаро ҳуқуқ нормаларини оёқ ости қилиб Афғонистонга бостириб кирди.

Оқибатда Кобулдаги коммунистик режим ва совет агрессиясига қарши ўз ватанини совет босқинчиларидан озод қилиш, дини ва эркини ҳимоя қилиш учун мужоҳидлар ҳаракати авж олиб кетди.

Ҳолбуки, Афғонистонга совет қўшинининг бостириб киришидан аввал мамлакатда вужудга келган муаммони чет давлатларнинг аралашувисиз ҳал қилиш имконияти бор эди. Афғонистондаги мужоҳидлар, сиёсий ва диний партиялар мамлакат тараққиёти, тақдири, келажаги масаласида ўзаро келишишлари мумкин эди. Аммо ундай бўлмади, илк имкондан чекинилди...

1992 йил апрель ойида Кобулда Нажибулло ҳукумати ағдарилди, ҳокимият мужоҳидлар қўлига ўтди.

1994 йил сентябрида Афғонистоннинг сиёсий майдонида янги кучлар — "Толибон" ҳаракати пайдо бўлди ва кўп ўтмай 1996 йилда толиблар Кобулни қўлга киритди. (Биз бу ерда мақоланинг ҳажми туфайли "Толибон" ҳаракати тўғрисида батафсил тўхташ имкониятига эга эмасмиз). Шу вақтдан бошлаб Афғонистондаги ўзаро шафқатсиз жанглар маълум даражада миллий, этник ва конфессияларaро можарога айланди.

Афғонистондаги уруш баъзи вақтларда минтақавий урушга айланиб кетиш хавфини ҳам туғдирди. Шундай қилиб, 1992-1999 йилларда Афғонистон яна турли гуруҳлар ўртасида этник, конфессияларaро ва ҳудудлар учун уруш майдонига айланди. Боз устига, наркобизнес авж олиши, фундаментализм, диний экстремизм ҳаракатлари ва чет давлатлар манфаатларининг тўқнашуви Афғонистонда мураккаб сиёсий вазиятни вужудга келтирди.

Можарони бартараф этиш учун 90-йиллар ўрталарида БМТ, Рим (Заҳир Шоҳ) ва Б.Раббоний режалари илгари сурилди. Бироқ бу режалар қарама-қарши томонлар манфаатларига тўғри келмаганлиги туфайли музокараларсиз қоғозда қолди.

Мантиқан шундай савол туғилади. Афғонистондан собиқ совет қўшинларининг чиқиб кетганлигига 10 йилдан ошди. Нажибулло ҳукуматининг ағдарилганига ҳам 8 йилдан ошди. Нима учун шу кунгача Афғонистон муаммоси ўз ечимини топмаяпти? Гап шундаки, бу муаммонинг зоҳирий томонидан кўра ботиний томонлари жуда чуқур.

Афғонистон можаросини бартараф этишнинг осон эмаслиги, унинг нақадар мураккаб, чигал эканлиги кўпроқ қадим вақтдан бери Афғонистонда ўз ечимини топмай йиғилиб, кескинлашиб келган ички ва ташқи сабаблар ва уларнинг чуқур илдизлари билан боғлиқ.

Биз ўз мақоламизда Афғонистон можаросининг ички ва ташқи жиҳатларини кўрсатишга, уларнинг илдизларини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз, токи ўқувчилар масаланинг моҳияти билан чуқурроқ танишсин. Чунки кейинги пайтларда матбуотда Афғонистон мавзусида ёзилган мақолаларда муаммонинг биз эслатиб ўтган томонларига етарли эътибор берилмаётгандек, назаримда.

ЗИДДИЯТЛАР ЗАМИНИ

Муаммонинг ички томонлари, унинг илдизлари Афғонистон давлатчилигининг шаклланиш жараёни, менталитети, бу давлатнинг кўп этносли, кўп конфессияли эканлиги билан узвий боғлиқдир. Мантиқан ҳар бир миллат, этник гуруҳ ўзига хос чуқур этномаданий илдизларга эга бўлиб, мамлакат бойлиги ҳисобланади.

Аммо ривожланиш жараёнида турли миллат ва этник гуруҳлар ўртасида қарама-қаршилик ва зиддиятлар пайдо бўлади. Чунки Афғонистонда мавжуд бўлган 30 дан ортиқ миллий ва этник гуруҳларнинг (булардан 5 таси — пуштунлар, тожиклар, ўзбеклар, ҳазоралар, балужлар йирик этник гуруҳ ҳисобланади) бир меъёрда ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишни назарда тутган комплекс регионал дастур ҳеч қачон бўлмаган. Натижада этник гуруҳлар уларнинг тарихан яшаб келган вилоятлари — Бадахшон, Тахор, Нимруз, Фараҳ, Нуристон ва бошқалар ижтимоий, иқтисодий, маданий ривожланишдан жуда орқада қолди.

Афғонистонда инфраструктура жуда қолоқ бўлганлиги туфайли бу вилоятлар мамлакатнинг марказий районларидан қарийб ажраб қолган эди. Этник гуруҳ вакиллари давлатни бошқарув органларига камдан-кам жалб қилинарди. Бу ҳол шубҳасиз, этник гуруҳларнинг Кобул ҳукуматига, мамлакатни бошқаришда монопол ҳуқуққа эга бўлган етакчи этник гуруҳларга нисбатан норозилик кайфиятини уйғотиб келди.

Миллий ва этник тараққиёт ҳақида сўз борганда тил масаласи алоҳида аҳамиятга эга. Афғонистонда асосан икки тил: пуштун ва дари тиллари давлат тили ҳисобланади. Дари тили узоқ тарихий даврдан бошлаб мамлакат маданий ҳаётида, санъат ва адабиётда, иш юритишда, ташқи алоқаларда муҳим роль ўйнаб келди.

1936 йилда пуштун тили Афғонистонда давлат тили деб эълон қилинди. Ҳукумат пуштун тилини оммалаштириш, уни муомала тилига айлантириш мақсадида маданий, маърифий ва ҳатто, маъмурий чораларни амалга оширди, пуштун тилини ўрганганларга, билганларга ўз вақтида маълум имтиёзлар ҳам берилди. Бу ҳол Афғонистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида пуштунизм тенденциясининг кучайишига шароит туғдирди, бошқа миллий ва этник тиллар ривожига қарийб эътибор берилмади. Расмий муносабатларда этник тиллардан фойдаланиш имкониятлари йўқ эди. Турли миллат ва этник тилларда мактаб, мадраса, адабиёт ва санъат деярли ривожланмади. Хуллас, миллий ва этник гуруҳларнинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинди, миллий ғурур, халқнинг ўзига хос хусусиятлари камситилди. Буларнинг ҳаммаси миллий ва этник гуруҳлар ўртасида зиддиятлар, қарама-қаршиликлар ва норозиликлар келиб чиқишига замин ҳозирлаб, ҳатто, Афғонистонда давлат қурилиши масаласида федерализм ғоясининг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Афғонистон муаммосининг яна бир ички зиддиятли томонларидан бири, бу — пуштунлар, пуштун қабилалариаро тарихан мавжуд бўлган келишмовчиликдир.

Маълумки, пуштунлар Афғонистоннинг сиёсий тарихида ҳукмрон миллат (улар 8-9 млн. кишидан иборат) ёки йирик этник гуруҳ сифатида муҳим роль ўйнаб келди. Аввало улар Афғонистон давлатчилигини шакллантиришда, мамлакат бирлиги, озодлиги ва мустақиллиги учун курашларда асосий куч бўлган. Шунинг учун Афғонистонда ҳар қандай ҳокимият этник пуштун ва қабила бошлиқларининг позициясига суянишга мажбур.

Пуштун қабилалари барчаси (улар 30 дан ортиқ) умуман иккита асосий гуруҳга: пуштун-дурронийлар ва пуштун-гилзайларга бўлинади. Давлатни бошқариш (1747—1978 йиллар) асосан дурронийлар қўлида эди.

Пуштун қабилалари ўртасида чиққан низолар ва келишмовчиликлар қабила ичида пуштунларнинг шоншуҳрати кодекси ҳисобланган пуштунвалай қонун-қоидалари асосида, баъзида қабила жирғалари томонидан бартараф этилган.

Шунинг учун Афғонистондаги сиёсий можароларни бартараф этишда пуштунларнинг мамлакат ҳаётида тутган ўрни ва мавқеини назарда тутиш зарур. Бошқача қилиб айтганда, афғон этнологиясини чуқур билиш лозим бўлади.

(Давоми бор)

УМРИНГИЗГА БАРАКА!

ҲАЁТ ДАВОМ ЭТАДИ...

... Иккинчи жаҳон уруши бошланиб Раҳматулладан жангга кириб кетишаётгани ҳақида битта мактуб келди, холос. Сўнгра...қорахат келди. Ўша кезлари эндигина атак-чечак қила бошлаган Патхулла у ёқда турсин, тўрт яшар Хайрулла ҳам хат нимаю, қорахат нима эканини билишмасди. Бироқ Маъсуда кеннойи учун қорахат мусибат, жудолик, фожиа эди...

Олий ўқув юртлари халқаро академиясининг академиги, техника фанлари доктори, тажрибали педагог, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи, асбобсозлик ва моддалар ҳамда материаллар технологик параметрлари назорати соҳасининг етук мутахассиси, педагогик технология ижодкори профессор Патхулла Раҳматович Исматуллаевнинг фаолиятига 40 йил тўлмоқда.

Патхулла Исматуллаев 1964 йил Москва кимёвий машинасозлик институтини битиргач, бутун онгли ҳаётини қизғ-

ин илмий фаолиятга бағишлади. Айни кунларда Тошкент кимё технология институтининг ўқув ишлари бўйича ректор муовини лавозимида ишлаш билан биргаликда қаттиқ, сочилувчи ва толали моддалар намлигини ўлчаш метрологик лабораториясига ҳам раҳбарлик қилиб келмоқда.

Профессор П.Исматуллаев Тошкент давлат техника университети таркибида фаолият кўрсатаётган ва Ўрта Осиёда ягона бўлган Метрология ва ўлчаш техникаси институтининг асосчиси ҳамда шу университет қошидаги фан доктори ва номзоди илмий даражасини берувчи ихтисослаштирилган Илмий кенгаш аъзосидир. Унинг илмий раҳбарлигида пахта ва толали моддалар намлиги ўлчанишининг назарий асослари яратилган. Ушбу муаммолар лабораториясида яратилган намликни ўлчаш воситалари саноат ва қишлоқ хўжалиги амалиётининг турли соҳаларида кенг кўламда ишлатилмоқда.

Профессор П.Исматуллаев ўлчаш-информацион тизимлари ҳамда метрология ва технологиявий соҳалардаги ўлчашларга бағишланган бешта монография ва метрология, стандартлаштириш ва сертификациялаш йўналиши бўйича бир неча ўқув қўлланмаларини чоп эттирган бўлиб, бу қўлланмалар республикамиз олий ўқув юртларининг инженерлик ва технологик йўналишлари дастурларида кенг фойдаланилмоқда.

Олим 150 дан ортиқ илмий педагогик нашрлар ва 50 дан ортиқ ихтиро гувоҳномалари ва патентларига эга бўлиб, унинг раҳбарлиги остида 12 та номзодлик ва 4 та докторлик диссертациялари ҳимоя қилинган.

Профессор Исматуллаев Республика Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурини жорий қилишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Унинг раҳбарлигида кимё ва озиқ-овқат соҳаларининг 9 йўналиши бўйича Давлат таълим стандартлари, намунавий фан дастурлари ва ўқув режалари ишлаб чиқилиб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасдиғидан ўтказилган.

Тиниб-тинчимас, серғайрат Патхулла Исматуллаев жаҳонгашта олимларимиздандир. У қатор хорижий давлатларда ўқув ва илмий-ижодий сафарларда бўлиб, орттирган тажрибаларини мамлакатимизда ўқув-услубий жараёнга татбиқ этишда фаоллик кўрсатмоқда.

Патхулла Исматуллаевнинг илмий фаолияти бой ва кенг қамровлидир. У моҳир фан ва ўқув-таълим ташкилотчиси, севимли, талабчан ва меҳрибон устоз, таниқли жамоатчи, олий ва ўрта махсус таълими тизими, айниқса, фундаментал фан кишилари орасида катта эътибор ва ҳурмат қозонган, талабалар ва ҳамкасабалари даврасида иззатли олимдир. Шу ўринда унинг камолотга етишувида раҳнамолик қилган икки атоқли олимимизнинг номларини мамнуният билан тилга олиб ўтишни лозим топамиз. Буларнинг бири ўзбек полемерчилар мактабининг асосчиси академик Ҳамдам Усмонов, иккинчиси ўзбек алколоидлар кимёси мактабининг асосчиси академик Карим Аҳмедовдир. Ҳа, Патхулла Исматуллаев катта устозларнинг тарбиясини кўрган, ўзи ҳам улар аньанасини давом эттириб келаётган атоқли олим ва педагогдир.

...9 май куни Хотира ва Қадрлаш майдонида Маъсуда онани учратдик, икки ёнларида икки забардаст солиҳ фарзандлари — Хайрулла Раҳматулла ўғли ва Патхулла Раҳматулла ўғли, атрофларида келинлари, неваралари, невара куёв ва невара келинлари. Улар оддий аскар Раҳматулла Исматуллаевни хотирлаб бу ерга келишибди. Ҳаёт давом этмоқда...

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ

СУҲБАТ

РИМ ГИНИЯТУЛЛИН: "СУВ — ОЛЛОҲНИНГ БАНДАЛАРИГА БЕРГАН УЛУҒ НЕЪМАТИ"

МУХБИР: — Доно аждодларимизнинг нақл қилишларича, дунё тўрт унсур туфайли мавжуд экан: ер, сув, ҳаво ва олов. Шуларнинг орасида сув — Она табиатнинг бетакрор мўъжизаси, Оллоҳнинг бебаҳо неъматидир.

Ҳаётимизнинг манбаи бўлмиш сувдан оқилона фойдаланиш, унга нисбатан тўғри муносабат фақатгина иқтисодий ишлаб чиқариш, гидротехник тадбир бўлиб қолмай, ғоят муҳим аҳамият касб этувчи маънавий масала ҳамдир.

Сўнгги йилларда сув муаммоларини бартараф этишда Оролни Қутқариш Халқаро Фонди GEF Агентлиги самарали фаолият кўрсатмоқда. Рим Абдулович, Марказий Осиёдаги 5 давлат сув муаммоларини ҳал қилиш мақсадида тузилган GEF Агентлигининг мақсад ва вазифалари ҳақида сўзлаб берсангиз!

Рим ГИНИЯТУЛЛИН: — Шўро даврида юзлаб ариқлар, булоқлар, ҳатто айрим кичик дарёлар ҳам йўқ бўлиб кетди. Биз Марказий Осиё минтақасидаги 5 давлат бирлашиб шу муаммони ижобий ҳал эта олсак, минтақамизга ёрдам берган бўламиз. Шу кунларда минтақада 100 млрд. Куб метр сув сарфланаётган бўлса, шунинг 60 фоиздан зиёди Ўзбекистон ҳисобига тўғри келади. Марказий Осиёдаги 7,5 млрд. гектар суғориладиган ернинг 4 млн. 300 минг гектари мамлакатимизга тўғри келади. Ўзбекистонда етиштириладиган 99 фоиз қишлоқ хўжалик маҳсулотлари суғориладиган ерлардан олинади. Бешта давлат бирлашиб сув муаммоларини ижобий ҳал этиш мақсадида "Орол денгизи ҳавзаси сув заҳиралари ва атроф-муҳитни бошқариш" деб номланувчи GEF лойиҳаси қабул қилинди. Мазкур лойиҳа нафақат Орол денгизи, балки бутун минтақада янги йўналишга йўл очиб беради.

Ўзбекистонда деҳқончилик 4-5 минг йиллик тарихга эга. Деҳқончилик борасида сувга бўлган муносабатда ҳам Ўзбекистон бошқа мамлакатларга қараганда юксак маданиятга эга. Бизда суғориладиган ерлар қанчалик кўпайгани сари ариқ ва зовурлар сони ҳам кўпайиб бораверади. Ариқ қанчалик узун бўлса, унда беҳуда йўқоладиган сув ҳам шунчалик кўпаяди. Ўзбекистон ҳудудида 300 минг километрга яқин очиқ-ёпиқ зовурлар, ариқ ва каналлар мавжуд. Ўзингиз ўйлаб кўринг, 300 минг километр... Экватор бўйлаб ерни 5-6 марта айлантирса бўлади! Мана шу масофада 30-40 фоиз сув ерга сингади, буғланиб, ҳавога учади. Бунинг олдини олишнинг йўли бору, аммо жуда қимматга тушади. Исроилликлар бизга келиб томчилаб суғоришни татбиқ қиламиз деб 5-6 йилдан бери уринишяпти. Лекин ҳозирча жиддий натижа кўринмаяпти. Сабаби, улар биздаги асрлар давомида тўпланган деҳқончилик маданиятидан узоқ. Уларда маблағ кўп, асбоб-ускуна бисёр. Бироқ томчилаб суғориш учун ҳар гектар ерга 5-6 минг доллар талаб қилинади. Бизда эса ҳозирча унақа ортиқча маблағ йўқ. GEF лойиҳасида 5 давлат фуқароларининг сувга бўлган миллий муносабатини, асрлар давомида тўплаган тажрибасини тиклаш, кишилар онгида сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш туйғусини шакллантириш, шу йўл билан сув исрофгарчилигининг олдини олиш асосий мақсад қилиб қўйилган. Албатта, кетмон билан фазога парвоз қилиб бўлмайди, аммо халқимиз 4-5 минг йил давомида кетмон билан деҳқончилик қилиб келади. Бу дунёда деҳқончилик бобида бизга тенг келадиган йўқ. Шўро даврида ҳисобсиз ерларни ўзлаштирдик. Иккинчи томондан инқироз бўлди: биринчидан сув бепул, "ҳозирча халқни боқиб турайлик, сувни кейин тежаймиз", — деган ақидага амал қилиб иш тутилди. Сув бепул бўлгани билан сувни келтириш, ариқ қазиш, ҳамма-ҳаммасига пул керак. Одамларнинг онги ўзгара бошлади. 2 марта суғориш билан 4 марта суғоришнинг албатта фарқи бор. 4 марта суғорганда харажат ҳам 4 баробар кўпаяди. Сўнгги йилларда одамлар онгида сувга муносабат масаласида уйғониш бошланди десак бўлади. Ўйлайманки, бу нарсани ҳисоблагич билан ўлчаб бўлмайди, охирги уч-тўрт йилда Ўзбекистон бўйича сув сарфланиши 3-4 млрд.га камайди. Яъни бундан 5-6 йил илгари йилига 60-62 млрд. куб метр сув сарфланган бўлса, ҳозир ўртача 54-56 миллиард куб метр атрофида сув сарфланмоқда. 60-70 млрд. куб метр деган билан унинг кўламини кўз олдига келтириш қийин. Лекин Зарафшон дарёсининг бир йиллик оқими 5 млрд. куб метрни ташкил этади. Яъни, бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудида Зарафшондек бир дарё суви тежалди десак хато қилмаймиз. Ҳозирда Оролга Амударёдан сув тушади. Амударёдан асосан биз ва Туркманистон халқи фойдаланамиз. Ҳозирча денгизга Сирдарёнинг суви етиб бормаётибди. Агар Оролга 15-20 млрд. куб метр сув келаётган бўлса, шундан 60-70 фоизи Амударё ҳисобига тўғри келади. Мавжуд 60-70 фоиз тежалган сувнинг тенг ярмини Ўзбекистон етказиб бермоқда. Яъни, ўтган йилларда сувнинг энг кўпидан биз фойдаланган бўлсак, ҳозир Оролга қўшаётган улушимиз шунчалик салмоқлидир. Бу умумхалқ иши, ҳукуматимиз юргизаётган сиёсатнинг самарасидир. Шахсан Президентимиз Фондга раҳбар бўлган йилларда ижобий ишлар амалга оширилди. Бу Ўзбекистонда ерга, сувга, табиатга муносабатда халқимиз онгини шакллантириш, сувга нисбатан ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган ҳурмат-иззат ва эҳтиромнинг қайта уйғониши натижасидир.

МУХБИР: — Рим Абдулович, бизда 5 давлат истеъмол қиладиган сувнинг 30-40 фоизи сув омборларида йиғилиб, ёзда берилади. Мана шу сув омборларининг бугунги аҳволи қандай? Агар улар ўпирила бошласа ёки таркиби бузилса, эртага минтақанинг аҳволи қандай бўлади?

Рим ГИНИЯТУЛЛИН: — GEF агентлигининг лойиҳаси 5 қисмдан иборат. Сиз айтаётган хавфнинг олдини олиш учун ҳар бир давлатдан ўзлари таклиф қилган сув омборларининг иккитаси, ҳаммаси бўлиб 10 таси ажратиб олиниб, уларни қачон очиб, қачон ёпиш керак, сув омборларининг ўпирилиш хавфи юзага келадиган бўлса, минтақадаги аҳолига вақтида хабар бериш ёки унинг олдини олиш чоралари изланмоқда. 2000 йилнинг охирида мазкур сув омборларида бошланган ишларни тугатиш ниятидамиз. Бу GEF лойиҳасининг биринчи мақсади. Иккинчи мақсади 5 та қондош, жондош давлатларнинг ҳар бирининг қозони бўлак бўлса-да, бир дарёдан сув ичамиз. Агар Хўжанд вилояти сувни кўпроқ олиб қўйса ёки чиқинди ташлаб, сувни ифлослантирса унинг сифатини ким, қандай қилиб ўлчайди?

Ҳар бир давлат сувдан фойдаланишда қандайдир масъулиятга эга эканлиги очиқдан-очиқ юзага айтилмаса ҳам бу бор масала. Ривожланган давлатларда бундан 10-15 йил олдин давлатлараро сув йўлларига ўлчов асбоб-ускуналарини ўрнатиш жорий қилинган. Чегарадаги дарёдан қайси давлат қанча сув олгани, уни заҳарлагани, қайси дарёнинг тоза ёки ифлослиги ҳисоби юритилади. Бизда ҳам шундай муаммолар кўтарилмаслиги учун сув чегараларимизда 25 та пост қуриляпти. Асосан, Марказий Осиё давлатлари орасида. Бу йил ана шундай ўлчагичнинг 10 таси ишга туширилади. Лойиҳанинг 3-қисми Судочье деган кўлни асраб қолишга қаратилган. Қорақалпоғистонда шу номдаги кўл бор. Шимолдан жанубга, жанубдан шимолга учадиган "Қизил китоб"га киритилган ҳар хил ноёб қушлар худди шу ерда тўхтаб дам олади. Агар шу кўл қуриса, дунё юзидан қушларнинг 10-15 тури йўқолиб кетиши мумкин. Судочье кўли одамлар яшайдиган ерга яқин жойда. Лойиҳанинг 4-қисми одамзот табиатга фақат зиён келтирибгина қолмасдан, балки уни тиклашга ҳам қодир деган ақидага суянади. Мақсад авваллари қандай ҳайвонот олами мавжуд бўлса, шуни юз фоизга қайта тиклаш. Бу кўл Ўзбекистон ҳудудида жойлашган ва шу мақсаддаги саъй-ҳаракатларимиз бизнинг обрўйимизга обрў қўшади. Унинг лойиҳаси тайёрланаяпти. Сентябрь ойида тендер (танлов) асосида қурувчиларни танлаб, амалий ишлар бошланади. Сўнгги йилларда бизда сувни, она табиатни асраш борасида маълум ижобий ишлар амалга оширилиб, янги иш услублари изланилаяпти. Хуллас, ҳар биримиз сув — Оллоҳнинг бандаларига берган улуғ неъмати эканлигини унутмайлик.

МУХБИР: — Қизиқарли суҳбатингиз учун ташаккур!

Сурайё НАЗАРХЎЖАЕВА суҳбатлашди.

P.S.3-5 май кунлари Ўзбекистон давлат мелиосув лойиҳа институтида Оролни асраш халқаро Фонди томонидан ташкил этилган "Тўғонлар хавфсизлигини таъминлаш ва сув омборларини бошқариш" мавзуида семинар ва савдо кўргазмаси бўлиб ўтди. Мазкур анжуманда Америка Қўшма Штатларининг "Геокон", Канаданинг "Эр Эс Ти" ва "Поктес", Германиянинг "Хорман", Швейцариянинг "Ҳаггенбергер", Франциянинг "Солдата" компанияларида ишлаб чиқарилган замонавий асбоб-ускуналар, илғор технологиялар намойиш этилди.

- Мазкур савдо-ярмарка ва семинар сув омборлари ва тўғонларнинг ҳолатини ўлчайдиган, сув таркибини назорат қиладиган асбоб-ускуналар, илғор технологияларнинг ҳозирги тараққиёт даражаси ҳақида тушунча ҳосил қилиш, жаҳонга машҳур компанияларнинг шу соҳадаги илмий ишланмалари ва маҳсулотлари билан танишиш имконини беради, — деди Оролни асраш халқаро Фонди GEF лойиҳаси раҳбари Рим Абдулович Гиниятуллин "Туркистон-пресс" мухбири билан суҳбатда. — Марказий Осиёда 300 дан ортиқ турли ҳажмдаги тўғон ва сув омборлари бўлса, мамлакатимизда шуларнинг 55 дан ортиғи мавжуд. Тан олиш керакки, уларнинг барчасида техник ҳолат талаб даражасида деб бўлмайди. Чунки баъзи тўғонлар бундан 60-70 йил аввал бунёд этилган. Бу ерда намойиш қилинаётган турли ўлчов асбоб-ускуналари сув омборларини қайта жиҳозлашда катта аҳамиятга эгадир, — деди у.

- Ҳамкорлик қилиш учун кенг имкониятлар яратиб бераётгани учун Ўзбекистон ҳукуматидан ниҳоятда мамнунмиз, — деди "Туркистон-пресс" мухбирига халқаро маслаҳатчилар гуруҳи раҳбари Смек Лоуренс.

- Анжуманда Марказий Осиёнинг ҳар бир республикасидан вакил-мутахассис ўз мамлакатидаги тўғон ва сув омборларининг айни вақтдаги техник ҳолати борасида маъруза қилди. Уларнинг маълумотлари тўғонлар хавфсизлигини таъминлаш ва сув омборларини бошқариш борасида келажакдаги фаолиятимизда катта аҳамият касб этиши шубҳасиздир, — деди у пировардида.

"Туркистон-пресс"

Ўзингни англаб ет!
ҲУРРИЯТ
МУСТАҚИЛ ГАЗЕТА
17 - 23 май
20 (173)-сон

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

Таҳрир ҳайъати: Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Амирқул КАРИМОВ, Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ, Наим КАРИМОВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-69-45, 136-53-63

Индекс:
Якка обуначилар учун — 233 Ташкилотлар учун — 234

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Зокиржон АЛИБЕКОВ
Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 18.00
Буюртма — Г - 225

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Hurriyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: Sh.SAYDALIYEV

Шов-шув!

АВТОЭКСТРАСЕНС АЁЛ

— Кўриниб турибди, — давом этди отахон, — кўнглингиз анча чўкиб қолди. Тўғри, бу гапларни айтмаслигим керак эди. Аммо сиз ҳам тўғри тушунинг, одам ичидаги дардини кимгадир айтмаса ёрилиб кетиши хеч гапмас. Энди бир бошладимми, охиригача эшитинг. Тунов куни қишлоқ чеккасидаги пахтахона ёнидан ўтиб кетаётсам, 15-16 ёшли болалар пахтахона ҳовлисидаги асфальт майдонда футбол ўйнашаётган экан. Аввалига хурсанд бўлдим. Бизнинг болалар ҳам тўп орқасидан у ёқ бу ёққа югураркан-ку, деб. Бироқ бу фикр бошимга қанчалик тез келган бўлса, шунча тезликда чиқиб кетди-да, ўрнига: "Болаларни асраш керак. Уларни бу ерда югуртирмаслик лозим", деган ўй келди-ю, эшакдан сакраб тушиб улар томонга югуриб кетганимни билмай қолибман. Бечора болалар ҳали ёш, ғўр-да. Оёғининг тагидан кўтарилаётган чангдан заҳарланишаётганини хаёлларига келтиришармиди? Ахир у ерга ҳар йили озмунча пахтага солинадиган ўғит тўкиладими. Хуллас, болаларга ҳеч буни тушунтиролмадим. Кейин улар ўйнаётган тўпини ёриб ташлаш ниятида, олиб кўрсам, сизга ёлғон, менга чин, иккита тошбақанинг тош косасини бир-бирига жипслаб боғлаб, тепишаётган экан, бола бечоралар...

Ўтган йили ўн еттига кирган ёш ўспирин йигит сариқдан қазо қилди. Шўрликнинг яхши кўрган қизи бор экан. Эртасига ўзини осиб қўйибди. Қизнинг қўлидан бир парча хат топишибди. Унда "Мени Ферузнинг қабри ёнига қўйинглар", дея ёзилган экан...

Хўш, бундан кейин ҳам мен сизга "Ў, биз зўр яшаяпмиз", дея кўкрак керайми? — отахоннинг кўзларида ёш ялтиради. У кўзларини яширмоқ учун қавариб кетган кафти билан пешонасини силаган бўлди. Мен ер чизар эдим...

— Ака, — деди менинг такси ҳайдовчим, эшагини ниқтар экан, — кўриниб турган қирдан ўтсак, у ёғи Фотима холанинг қишлоғи бошланади.

Мен унинг гапини хаёлга берилиб кетганимдан эшитмай қолибман. Бола қайта такрорлади.

Чўл ўртасида жаннат кўрганмисиз? Йўқ, йўқ, мен тушунтиролмадим. Тасаввур қилинг, денгиз. Унинг ўртасида орол. Дов-дарахтлар ўсиб ётибди. Мева-чева ғарқ пишган. Қушлар шўх-шўх сайраган. Одамлар ҳам бор у ерда. Фақат бошқача одамлар. Бир-бирига кулиб қарайдиган, ширинсухан одамлар.

Экстрасенс аёл қишлоғи беш юз, олти юз метрлар чамаси узоқликдан кўзингизга ана шундай кўринади. Шундай таассурот уйғотади кишида. Аммо унга яқинлашганим сайин бошқача манзараларнинг ҳам гувоҳи бўла бошладим.

Биринчи учрашганим сомса сотадиган аёл бўлди. У билан деярли гаплашмадим. Фақат экстрасенс аёлнинг уйини сўрадим, холос. Экстрасенс аёлнинг уйигача бўлган воқеа тафсилотларини айтмаса ҳам бўлади. Ёки оддий қилиб "Отчопар" бозори деб қўйса ҳам янглиш кетмайди.

Хуллас, репортажни аёл хонадонидан олиб бораман (Дарвоқе, мени эсон-омон шу ергача олиб келган болакай йўл ҳақига 1000 $ олди. Албатта, ўзларининг курси бўйича ҳисоб-китоб қилинди. Ўзимизнинг пулга чаққанда юз сўм бўлар экан). Уйга кираверишдаги дарвозанинг эни 10-12 метрлар чамаси келади. Унда махсус робот посбонлар турибди. Улар худди одамлардай гапиришади. Бироқ, тартиб жуда қаттиқ экан. Агарда бирорта уловингиз бўлмаса киритмаскан. Аммо мен кириш йўлини топдим. Бир қозоқ оғайни бешта енгил машина ва тўртта пачоғи чиққан трактор олиб келган экан. Биттасини менга бериб турди (Албатта, қайтариш шарти билан).

Биласизми, уй ҳовлиси мўъжиза. Уни таърифлашга тил ожиз. Лекин шундай бўлса-да, мен сизда яққолроқ таассурот пайдо қилиш учун имконим даражасида изоҳлашга ҳаракат қиламан. Ҳовлининг ўртасида икки метрли фаввора отилиб ётибди. Унинг ўнг томонида енгил машиналар учун, чап томонида эса юк машиналар ва тракторлар учун йўл қилинган. Устига эса махсус лентасимон қурилма ўрнатилиб, ишдан чиққан транспорт воситалар роботлар ёрдамида унга чиқарилади. Ҳовлининг шимолий томонида яна улкан дарвоза бўлиб, қабул худди шу жойдан бошланар экан.

Машиналар эгалари эса ҳовлининг жанубий томонидан айланиб ўтишар экан. Бахтимга қабулдаги роботлардан бири бузилиб қолдими ёки бошқа сабаб бўлдими, қизил чироғи ёниб қолди. Иккинчи робот уни ичкарига олиб кириб кетди. Мен бундан унумли фойдаланиб, "Таъмир" деб номланган бинога киришга муяссар бўлдим ва ишонасизми, экстрасенс аёлни кўрдим. Ҳа, ҳа, ўша бутун дунёга довруғи кетган аёлни, тараққиётнинг янги қиррасини очган аёлни! Биласизми, мени унинг ёнига киришим тарихий воқеа ва ўйлайманки, тарих саҳифаларидан экстрасенс аёл ёнига кирган биринчи журналист сифатида жой олсам ҳам ажаб эмас.

Аёл кўринишидан жуда истараси иссиқ экан. Кийиб олган кийими ҳам ўзимизнинг оддий чит. Лекин сочларига оқ оралабди. Мени кўриши билан унинг важоҳати ўзгариб:

— Кимсиз? Қаердан келиб қолдингиз?! — дея сўради.

— Мен... Мен... — дедим ҳаяжонланиб, — журналистман. Тошкентдан сизни кўриш учун келгандим.

— Бу ерга ҳали ҳеч ким киролмаган. Сиз...

— Мен, биласизми, тасодиф, ҳа худди шундай бўлди. Ўлай агар, ёлғон гапирсам, тасодифан кириб қолдим.

— Мақсадингизни очиқ айтинг. Агар гапингизга ёлғон аралаштирсангиз, сизни ҳам таъмирлаб қўяман.

— Йўқ, йўқ, мени таъмирлаш шарт эмас. Ўзи таъмирим яхши. Мен қандай қилиб бу даражага етганингизни билиб, газетага ёзмоқчиман, — дедим қўрқиб кетиб.

— Газитга ёзиш шартмас. Шундоғам одам кўпайиб кетди. Фақат ўзингиз учун сўрагангизга жавоб бераман. Ундаям айтиб қўяй, ҳар хил майда-чуйда нарсаларни сўрайвермайсиз, — деди аёл жиддий қилиб.

— Хўп, хўп бўлади. Хўш... , — дедиму, ҳаяжонланганимдан дарров хаёлимга фикр келавермади. Кейин бироз вақт ўтказиб, — сиз машиналарни қандай таъмирлайсиз? — дея сўрадим.

— Жуда оддий, қўлимда электрон биоток бор. Хаёлимга ишдан чиққан машинанинг янгилигидаги ҳолатини келтираман-у, қўлимни машина томонга узатаман. Бир дақиқа ўтар-ўтмас у асл ҳолига қайтади. Буни сиз ҳам кўришингиз мумкин, — дея аёл навбатдаги "Мерседес" томонга айтганидай қилиб қўлини узатди. Тавба, ҳаётда турли хил мўъжизалар бўлишини эшитган, баъзиларини тушимда кўрганману, аммо бунақасини...

— Бу қандай содир бўлаяпти?!

— Худонинг инъоми, — деди аёл бамайлихотир.

Ҳа, қисқа ва аниқ жавоб.

— Анча бўлдими?

— Нимага анча бўлади?

— Худонинг инъомига.

— Олти ойча бўлиб қолди-ёв.

— Эй, унда биз жуда кеч эшитибмиз-да. Ёрдамчиларингиз ҳам борми?

— Келинларим чой-пойимдан хабар олиб туришади.

— Хизмат ҳақига қанча оласиз?

— Енгил машиналарга 300 сўмдан, тракторларга 450 сўм бўлади. Агар доллар берадиган бўлса ўнга бир, яъни 300 сўм 3000 долларга тенг. Умуман, шу доллар деган нарсани камроқ оламан. Ҳеч қўймаса, кейин нoилож рози бўламан.

— Роботлар-чи? Улар Япониядан келтирилганми?

— Нима деяпсиз, мен унақа паст кетадиганлардан эмасман. Роботларни бўш вақтимда эрмак учун ясайман.

— Сизда ҳам бўш вақт борми?

— Мен одаммасманми? Овқатланаётганимда эсимга тушиб қолади, — деди-ю, экстрасенс аёл менга вақти тугаганини билдирди. Ва менинг чиқиб кетишимни, агар жуда бамаъни саволлар туғилиб қоладиган бўлса, уч ойдан кейин бирор икки дақиқа ажратишини айтди. Ноилож чиқиб кетишга мажбур бўлдим.

Акбар ШОҲ

Сарғузор — Тошкент

Охири. Боши ўтган сонларда

СОВҒА

8 март муносабати билан хотинимга итальянча лаб бўёқ олиб бердим. Шунақанги чиройлики, асти қўяверасиз. Уни кўриб хотинимнинг оғзи очилиб қолди. Икки юзимдан ўпар экан, қулоғимга секин шипшиди:

— Азизим, раҳмат сизга, фақат...

— Ҳм, нима бўлди? — ҳайрон бўлдим мен.

— Шу десангиз, лаб бўёқ учун битта сумкача... Ахир бундай қимматбаҳо нарсани мана бунда олиб юриш ярашмайди-ку...

Гапида жон бор. Унинг деярли йиртилиб кетай деган сумкачасида бундай нарсани олиб юриш кулгили. "Ўғирлабди" деб ўйлашлари мумкин. Жуда ҳушёр-да хотин тушмагур. На илож. Чет элда энг юмшоқ чармдан тикилган (юмшоқлигига қараганда эндигина туғилган тимсоҳникига ўхшайди) кармон олиб бердим.

Хотиним буткул анграйиб қолди. Ҳатто бурнимнинг учидан ўпиб ҳам қўйди. Лекин зум ўтмай, яна кўзларини ғам босди.

— Хўш, яна нима бўлди?

— Сизнингча, бундай ажойиб нарсаларни кўтариб юрадиган аёллар мана шундай латта-путтага ўранган бўладими? — деди-да, етмиш етти ямоқли кўйлагини кўз олдимда силкита бошлади. Оббо, бунисини ўйламабман. Бошга битган бало бўлди-ку, қуриб кетгур. Аммо на илож. Бир амаллаб французча ялтироқ ипакдан тикилган алламбало кўйлак олиб бердим. Номиям бир нима...

Хотиним бу сафар ҳам обдон мени "сийлади". Кечга яқин эса қўлимни кафтига олиб силар экан, секингина оёғига ишора қилиб:

— Шу тобда бир нарса кўнглимни бузиб турибди-да, — деб қолса бўладими. Унинг нима демоқчи эканлигини дарров англаб, минг азобда жилмайишга ҳаракат қилдим-да, унга юзланиб:

— Қулоғим сизда, хоним, — дедим.

— Ҳалиги... Анақа... шу оёғимга битта яхшироқ туфли бўлса деганидим... Ғалати-да, ахир. Устки кийимларинг ялтюлту оёқ кийиминг эса... а, нима дейсиз?

Унисини ҳам топиб келдиму, жағинг ўчгурга тутқаздим. Хотиним дарровда барча сарполарни олди-да, қўшни хонага кириб кетди. Зум ўтмасдан кўз ўнгимда... ё, алҳазар! Наҳот, шу менинг хотиним бўлса, шунча йилдан бери малика билан ҳаёт кечираётганлигимни билмаган эканман. Кўзимни шу даражада ишқаб ташладимки, чамаси ярим соат мутлақо ҳеч нимани кўролмай қолдим. Ўзимга келгач эса энди унга бегоналигимни сезиб қолдим. Аламимдан йиғлаб юбордим. Хуллас, уни орадан ҳеч қанча вақт ўтмай мендан илиб кетишди...

ҲУСНИДДИН

Афоризм

Ошиқсанг, олдирасан...

Ўркида

Овоза

Чироқчига сув келганмиш...

ЛАТИФА

Тадбиркор расмлар кўргазмасига келди. У бир дайди сурати олдида узоқ туриб қолди-да, хўрсиниб деди:

— Эгнида тузукроқ костюми йўқ-ку, суратини чиздирганига ўлайми?

* * *

Онаси Вовочкадан сўради:

— Боғчада, сени текширган шифокор нима деди?

— Кўпроқ витамин, айниқса, "Сникерс", "Баунти" егин, деди.

* * *

Телеянгиликлар сўнгида диктор деди:

— Энди маданият хабарларига ўтамиз. Бугун эрталаб таниқли хонанда Б... ўлдириб кетилди.

* * *

Йиғламоқдан бери бўлиб келган ёш аёл қурол сотилувчи дўконга келиб деди:

— Эрим автомобиль ҳалокатига учраб вафот этди.

— Бандалик экан...

— Раҳмат, аммо мен кеча сотиб олган қуролимни топширишга келдим. Энди, менга қуролнинг кераги йўқ...

* * *

Тадбиркор вафот этди. Дўстлари унинг қабрига сотовой телефондан ёдгорлик ўрнатишиб, ёзиб қўйдилар: "Абонент хизмат доирасидан ташқарида".

ҚИШЛОҚ... ТУН

Алла айтар қишлоқ узра тун,
Тин олади ҳориб товонлар.
Кўкда ойнинг юзига мафтун,
Хаёл сурар моҳитобонлар.

Тераклзорда чарх йигиради,
Субҳишомда адашган сабо.
Билмам қайси уйдан таралар,
Дилга яқин ул қари-наво.

Қушчаларнинг қароргоҳлари,
Ҳойна ҳой ҳу қизғалдоқзор том.
Қўшиқларин тутар хумори,
Бироқ ҳали отавермас тонг.

Туш кўради қишлоқ осуда,
Бунча узун тунги аллалар.
Ҳамон кўздан қочиб уйқуси,
Уйғоқ ётар бўм-бўш далалар...

Муҳиддин БОБОЁР,

Самарқанд вилояти, Нарпай тумани

("Ёш куч" журналига келган шеър ниҳоят 10 йилдан сўнг "Ҳуррият"га чиқди!)

МАМАТКИНО ҲАНГОМАЛАРИ

Муҳаммаджон Олимов хотираларидан

"ИЧИМГА ЎТ КЕТДИ!"

Ўзбек кино санъати тарихини яхши билган томошабин уни машҳур ва севимли актёр Асад Исматовсиз тасаввур қилолмаса керак. Чунки актёрнинг яратган образлари мана шунча йил ўз жозибасини йўқотгани йўқ. Асад ака ҳам бўш қолди дегунча таниш-билишлари билан Ҳамза театри яқинидаги шинам чойхонада бир пиёла чой ва паловхонтўра атрофида қизғин гурунглашишни яхши кўрарди. Устозларнинг суҳбатидан баҳраманд бўлишга орзумандлар узоқ-яқиндан эшитиб келаверарди. Ниҳоят, орзиқиб кутилган севимли таом икки сопол лаганда келиши билан ҳамма қулайроқ ўрнашиб олишга ҳаракат қилади. "Олинг, олинг" билан бирин-кетин узун-қисқа қўллар лаганга бориб қайта бошлади. Тоғам раҳматли ҳам бир ошам олганлари билан аччиқдан кўзларидан ёш, баданларидан тер чиқа бошлабди-да, оғизларини ёполмай:

— 01 га телефон қилинглар, 01 га! Ичимга ўт кетди, зора ўчиришса! — дермишлар. Шу-шу бўлибдию, тоғам чойхонага борсалар, олдиндан ким аччиқ ейишини сўрайдиган бўлдилар.

"КОМИЛ АКА, ҚУРБОНЛИК!"

Комил Ёрматов "Инқилоб чавандозлари" фильмининг "Самолёт ҳалокати" саҳнасини суратга олиш маҳали эди. Фильм тасвирчиси Михаил Пенсон, режиссёр ассистенти Вячеслав Шамшаров, пиротехник Фарҳод Абдусаидовлар — барча-барчамиз камера ёнидаги режиссёрнинг "мотор!" деган сўзини кутмоқда эдик. Ниҳоят "команда" берилгач, осмонда учиб кетаётган самолёт кутилмаганда портлаб ағдарилиб тушди. Саросимага тушиб ёрдамга келганлар ҳамкасбларининг омон эканлигидан хурсанд бўлсалар, суратга олиш пайтида самолётда бўлган Шамшаровнинг ранги оқариб, тили калимага келмай, фақат:

— Комил ака, қурбонлик! - дея такрорлармиш. Тажрибали режиссёр ўша куниёқ қурбонлик учун қўй келтириб Тангридан ишларига ривож сўраб тиловат қилибди.

Кейинчалик фильмнинг чет эл кўригида америкалик машҳур кинорежиссёр Робарт Уайз иштирок этиб, айнан "Самолёт ҳалокати" саҳнаси анча ҳаққоний олинганлигини таъкидлаб ўтган экан.

Ҳабибулло АБДУЛМАЖИД тайёрлади

Ташриф

КИТОБДАН ЧИҚҚАН ХОНАНДА

Ёш хонанда Олимжон Мирзаевни кун ора телевидение ва радиода бериб борилаётган "Ал-Бухорий", "Қизлар", "Кўзимга ишонмайман..." клиплари ва бошқа ўнлаб ранг-баранг қўшиқларнинг моҳир ижрочиси сифатида яхши биламиз.

Олимжон Мирзаев 1965 йил Қашқадарё воҳасининг Китоб туманида туғилган. Айни вақтда "Ўзбекрақс" миллий бирлашмасига қарашли "Олимжон Мирзаев" гуруҳининг раҳбари. Бир қиз, уч ўғилнинг севимли отажониси.

— Олимжон ака, сизнинг қўшиққа, созга қизиқишингизга ким ёки нима сабаб бўлган?

— Болалигимда раҳматли онажоним Шаҳрибону ая мумтоз шоирларнинг ғазалларини хиргойи қилиб юрганларида у кишига ҳавасим келар, билдириб-билдирмай жўр бўлардим. Санъатга қизиқишимнинг бош сабабчиси волидам бўладилар. Ўша кезларда уйимизда на радио, на телевизор бўларди. Қўшнимизнинг радиосидан берилаётган қўшиқларни тинглаш учун пахса девор тагига биқиниб олардим. Қолаверса, биз яшаган қишлоқдан қўшиқчи чиқмаслигининг иложи йўқ эди: икки томони тоғ, ўртаси адирлик, икки ёндан сой-у жилғалар оқиб ўтади, эрталаб булбулларнинг "чах-чах"идан маст бўлиб уйғонасиз. Пода ҳайдагани чиққанимда ҳам, мол-ҳолга ўт териб қишлоққа қайтаётганимда ҳам овозимни баралла қўйиб қўшиқ айтардим. Кўчадан ўтаверсам чоллар тўхтатиб олиб "Бозиргони" ёки "Қарокўзим"ни охиригача айттирмасдан қўймасди.

Уч ҳовли нарида яшайдиган ўртоғимникида радиоприёмник бўлар, ўшандан Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Раҳимов, Таваккал Қодиров, Расулқори Мамадалиев, Ортиқ Отажонов ижро этган қўшиқларни берилиб тинглар, дафтарга кўчириб, ёдлаб олардим. Мактабда ўқиб юрган кезларда "Гулзоримни", "Бозиргони", "Гул ичида учратдим" қўшиқларини берилиб айтардим. Бир куни пластинкага жўр бўлиб ашула айтиб турганимда ўша жўрам сендан қўшиқчи чиқмайди, барибир овора бўлиб юрма, деб қолди. Кўзимга дору дунёси қоронғу бўлиб кетди-ку. Шу-шу бўлдию жаҳлга миниб, ўз устимда тинмай ишлашга киришгандим.

Кейинчалик ўша жўрамга хурсанд бўлиб айтганим бор: "Сен мени қўшиқчи қилгансан!.."

— Нолаларингизда Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраевнинг услубига ўхшаш "бир нарса" бор. Нима бу, тақлидми ё ҳавас?

— Ростини айтсам, Шерали аканинг қўшиқларини болалигимдан севиб куйлайман, шу кишининг қўшиқларини айтиб нон еган жойим ҳам бор. У кишига ҳавасим келади ва мен ҳам бетакрор овоз соҳиби бўлишга интиламан.

Тўрт йилча бўлди санъаткор билан танишганимга, шундан буён суҳбатларини олиб, устоз-шогирдлик қилиб келаяпмиз.

Аммо мен ўзига хос услубимни, ўз созимни яратсам, ўзимга ўхшасам дейман.

— Қайси хонандаларни севиб тинглайсиз?

— Фаттоҳхон Мамадалиев, Илҳом Иброҳимов, Озода Нурсаидова, Собиржон Мўминов ва "Нола", "Байрам" гуруҳлари ижро этган қўшиқларни севиб тинглайман. Шу хонандалар ва гуруҳларнинг ижро услубини кўпроқ ҳурмат қиламан.

— Қайси шоирлар билан кўпроқ ҳамкорлик қиласиз?

— Тўғрисини айтсам, ҳеч қачон шоирларга буюртма бериб шеър ёздирмаганман. Уни маъносига кўра танлайман. М.Юсуф, М.Эгамбердиев, З.Эргашева шеърларидан кўпроқ фойдаланаман.

— Ҳеч маҳал қўшиқ айтаётиб кутилмаган ҳолга тушиб қолганмисиз?

— Баъзи давраларда эски қўшиқлардан айтиб беришимни сўрашади. Шундай вақтлар бўлганки, уч-тўрт сатрдан кейин қолгани эсимдан чиқиб ўзимдан тўқиганман.

Яна бир гал тўрт кун кетма-кет ухламасдан тўй ўтказиб юравербмиз, охирги куни қўшиқ айтаётганимда чарчаб бир лаҳза уйқуга кетибман.

— Санъаткорнинг тўйма-тўй юриши унинг ижодига салбий таъсир этмайдими?

— Менимча, санъаткорни чархлайдиган нарса, бу — тўй, концерт, тантаналар. Ижодкор фақат меъёрни, чегарани билиб иш тутиши керак.

— Кейинги вақтда ашулачиман дегани кўпайиб кетди...

— Санъаткорнинг кўп бўлиши яхши. Буёғи марду майдон. Кимнинг истеъдоди қай даражадалигини халқнинг ўзи билади.

Ф.КОМРОН суҳбатлашди

БОШҚОТИРМА

Тузувчи: ШАҲЗОД

KROSSMARAFON 2000

КУПОН № 18



БЎЙИГА: **1.**Қуёш системасидаги иккинчи сайёра. **2.**Аскарларнинг қадимий бош кийими. **3.**Саргузашт асарларидан бирининг қаҳрамони бўлган кема капитани. **4.**Миллий чолғу асбоби. **5.**Хамирли овқат турининг шевада аталиши. **7.**Шамол, шабада. **8.**Қоидалар, назариялар. **9.**Араб мамлакатларидан бири. **12.**Узук, муҳр. **13.**Жануби-шарқий Осиёдаги ярим орол. **17.**Болтиқбўйи халқларидан бири. **19.**Кишилик олмоши. **21.**Сурхондарё вилоятидаги туман номи. **22.**"Космонавтиканинг отаси" номини олган буюк олим. **23.**Каспийбўйи давлати. **24.**Иш, вазифа. **25.**Ҳийла, макр. **26.**Сув ўсимлиги. **27.**Хеш, қариндош. **28.**Ҳамиша келавермайдиган имконият. **34.**От, исм. **35.**Япониянинг машҳур фирмаларидан бири. **41.**Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган матбаа қўшма корхонаси. **42.**Якка, ёлғиз. **43.**Мусиқа, оҳанг. **44.**Томларнинг қор-ёмғир суви оқиши учун мўлжалланган жойи. **47.**Ишида, фикрида маҳкам туриш, қайтмаслик. **48.**"Майсаранинг иши" комедияси қаҳрамонларидан бири. **50.**Мамлакатимиздаги эстрада гуруҳи. **51.**Қатъият, сабот. **52.**Мижғов, сақичдай чўзилувчи одам. **54.**Юқори савияда хизмат кўрсатиладиган ошхона. **55.**Хулқ, юриш-туриш. **56.**Оҳу, кийик. **59.**Кашта тури. **61.**Тил ва адабиётни ўрганувчи соҳа эгаси. **62.**Миллий ширинлик номи. **65.**Турмуш қурмаган (қиз). **67.**Катта йўл. **68.**Француз пул бирлиги. **72.**Кўричак. **75.**Ўчоқ-тандир ёқишда ишлатиладиган узун чўп. **80.**Матбуот нашрларига ёзилувчи киши. **82.**Кир ёйиш учун тортилган сим. **83.**Игнабаргли дарахт. **85.**Бадиий асардаги лириклик, ҳис-ҳаяжон, туйғу элементлари, лирик хусусиятлар. **87.**"Машаққат" сўзининг мумтоз адабиётда учрайдиган синоними. **88.**Мусулмонларнинг тиш тозалаш "чўткаси". **89.**Хушбўй ўсимлик. **92.**Туркиядаги кўл номи. **95.**Хил, тасниф бирлиги.

ЭНИГА: **1.**Ёқилғисиз ишлайдиган транспорт техникаси. **3.**Фарғона вилоятидаги машҳур қишлоқ. **6.**Шов-шув. **10.**Йилқилар подаси. **11.**Тери. **14.**Уялтириш, калака қилиш. **15.**Байрам, ҳайит. **16.**Лигер қопламали. **18.**Фармон, буйруқ. **20.**Кимошди савдоси. **25.**Транспорт, ташувчилик соҳаси. **27.**Мамлакатимиздаги вилоят номи. **29.**Сулҳ учун одим, келишиш учун баҳс. **30.**Кишиларнинг тана ранги ва тузилишига кўра фарқланиши. **31.**Бирор нарса ёки ҳаракатнинг ортидан қолган белгиси. **32.**Мажлис, йиғин. **33.**Бухоро вилоятидаги туман. **36.**Юқори мартабали киши, катта одам. **37.**Юпқа газлама. **38.**Табиий офат, жуда кучли шамол. **39.**Нончилик билан шуғулланувчи касб эгаси. **40.**Қушнинг эркаги. **45.**Тахмин, гепотеза. **46.**Касалликларнинг юқтирувчиси. **47.**Вақт ўлчов бирлиги. **49.**Росиянинг сўнгги президенти. **51.**Аёлларга хос фазилат. **52.**Хайр, ҳадя. **53.**Қатиқли ичимлик (тескарисига). **57.**Келишмовчилик, нифоқ. **58.**Баҳодир, полвон (достонларда). **60.**Олчанинг шевада аталиши. **61.**Дарс, предмет, илм. **63.**Тариқат эгаларидан бири. **64.**Гуноҳни бўйнига олиб, бу йўлдан қайтиш. **66.**Қарта ўйини. **68.**Ажратиб турувчи хусусият, унсур. **69.**Ўзбек фантастик асарларидан бирининг қаҳрамони бўлган қизнинг исми. **70.**Эътибор, шон-шуҳрат. **71.**"Сигир"нинг баъзи шеваларда синоними. **73.**Тўйдан кейинги илк ой. **74.**Касални даволаш ёки унинг олдини олиш учун ишлатиладиган модда. **76.**СОнинг номланиши. **77.**Судхўрлик. **78.**Тиниш белгиси. **79.**Навоий вилоятидаги шаҳар. **81.**Қорақалпоқ шоири. **84.**Ўрта ер денгизидаги ярим орол. **86.**Кўрилаётган иш бўйича суд қарори, ҳукм. **90.**Паст тоғлик. **91.**Баҳо, эваз. **93.**Ошхона жиҳози. **94.**Жарроҳлик асбоби. **96.**Ўзидан кичик эркак қариндош. **97.**"Илгак" сўзининг бошқачароқ шакли. **98.**Хушбўй суюқлик. **99.**Улкан, катта. **100.**Синов.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 19-кварталда 3 хонали уй СОТИЛАДИ.
Мурожаат учун телефон: 29-07-15 (Дилфуза)